

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БОШҚАРМА
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ**

Улаш Мустафаев

Акрам Ибрагимов

**Олий таълим муассасаларида ўқув ва тарбия жараёнини ташкил
этишининг долзарб муаммолари ва ечимлари**

МОНОГРАФИЯ

Термиз-2022

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қабул қилган қарор ва фармонларидан келиб чиқиб ўқув жараёнини ташкил этишнинг долзарб муаммолари ҳамда уларни бартараф этишнинг ечимлари ҳақида таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Шунингдек, кредит-модуль тизими ва бу дастурда талабалар билимини баҳолаш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун фанларнинг syllabusini яратиш ҳамда амалиётлар, мустақил таълимни ташкил этиш каби масалалар тақдимот шаклида давлат талабларидан келиб чиқиб баён этилган.

Ушбу монография Термиз давлат университети Кенгаш йиғилишининг 2022 йил 3 ноябрдаги №3\4.3-сонли қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: **Р.Тўраев** – физика-математика фанлари номзоди, доцент.

К.Эшназаров - биология фанлари номзоди, доцент.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
Олий таълим муассасаларининг ўқув ва тарбия жараёнини ташкил этишининг долзарб муаммолари ва ечимлари	
1-§. Олий таълим:кредит-модуль тизими афзалликлари, муоммалари ва ечимлари.....	8
2-§. Учинчи ренессанс пойдевори шаклланаётган даврда фалсафий фанларни ўқитишни ислоҳ қилиш-янги Ўзбекистон эҳтиёжи.....	13
3-§. Янги Ўзбекистон: жамият кадриятлари ва ижтимоий гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари.....	20
4-§. Олий таълимда талабалар билимини баҳолаш амалиёти: муаммо ва ечимлар.....	25
5-§.Соғлом эътиқод - комиллик нишонаси.....	33
6-§.Турмушдаги ислом: намоён бўлиши ва моҳияти.....	39
7-§. Ҳозирги трансформацион жараёнлар ва ёшлар таълим-тарбиясининг долзарб муаммолари.....	44
8-§. Таълим бозори ва интеллектуал социал “товар” сифати.....	51
9-§. Тиббий таълим ва фалсафа.....	59
10-§. Янги Ўзбекистон:олий таълимнинг янги ўқув-услугий ва меъёрий-хуқуқий ресурслари.....	64
11-§. Мамлакатимизда миллий ва диний кадриятларнинг тикланиши ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни.....	68
12-§. Алломаларнинг соғлом турмуш тарзи ва унинг жамият тараққиётига таъсири ҳақидаги фалсафий қарашлари.....	73
13-§. Олий таълим: саводсизликнинг илдизи қаерда?.....	77
14-§.Янги Ўзбекистон:давлат ва дин муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари.....	80
15-§. Эътиқод ва кадрият-комиллик нишонаси.....	84
16-§. Янги Ўзбекистон: динлараро тотувлик жамият барқарорлигининг муҳим омили.....	87

17-§. Кафедра фанларидан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёни ҳамда уни НЕМИС дастурида расмийлаштириш масалалари.....	92
18-§. Кафедра фанларидан syllabusни яратиш ва унинг ўқув норматив-ҳуқуқий асослари.....	123
19-§.Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома.....	143
20-§.Higher education: advantages, problems and solutions of the Credit-module system.....	160
21-§. Ислам в сфере быта: сущность, степень проявления.....	165
22-§. The perfect target of value and belief.....	169
Хулоса.....	172
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	174

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: 2017 йил 7-февралдаги 4947-сонли ПФ қабул қилинганидан сўнг олий таълимни ривожлантиришга ҳар йили алоҳида эътибор берилди бошланди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси асосида ҳар йили қабул қилинган давлат дастурларида олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш бошланди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 46,47,48,49, ва 50 мақсадлари бевосита олий таълим тизимига таалуклидир. Айниқса, 2019 йил 8-октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони олий таълим муассасаларига ва уларнинг бошқарув фаолиятига ниҳоятда маъсулиятли вазифаларни юклади.

Чунки, флагман университет бўлиш ёки Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities рейтингларида юқори поғоналарни эгаллаш асосий стратегик мақсад этиб қўйилди. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг таълим ва илмий-тадқиқотларга нисбатан мотивациясини янада ошириш учун уларнинг базавий иш ҳақлари анча оширилиб, илмий даражасига нисбатан устама коэффицентлар белгиланди.

Энди олий таълимни ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграция қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тилни билиши ва компьютер саводхонлиги баланд бўлиши ҳамда олий таълим муассасаларидаги назария ва ғояларни "товар"га айлантириши (тижоратлаштириши) талаб этилмоқда. Таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқот натижасини тижоратлаштириш орқали “Университет 3.0” концепциясини жорий этиш энг долзарб вазифадир. Термиз давлат университетига ҳам бу соҳада ибратли ишлар амалга оширилди.

2022 йилда вилоят халқ хўжалиги иқтисодий тармоқлари учун зарур бўлган 11 та бакалаврият таълим йўналиши ва 4 та магистратура мутахассислиги очилди ва кадрлар тайёрлаш ишлари бошланди. Бу янги таълим соҳалари ўқув режа ва фан дастурлари энг илғор хорижий давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. 2021-2022 ўқув йилдан университетнинг барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режа ва фан дастурлари жаҳон таълим тизими маконига интеграция қилинмоқда. Натижада, илғор хорижий давлатлар олий ўқув юртлирининг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўқув жараёнига жалб этилди. Бугун 4 нафар хорижлик профессор-ўқитувчи талабаларга дарс бермоқда. Хорижлик талабалар сони эса 132 нафарга етди. Бу университетнинг халқаро майдонда рейтинги яхшиланиб бораётганлигидан билдиради. Университетда қўшма дастурлар асосида ҳам ўқитиш имконияти ҳам пайдо бўлди. 2021-2022 ўқув йили ва 2022-2023 ўқув йилининг уч ойида 40 нафар университет профессор-ўқитувчилар “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда олий таълим муассасининг ўзаро ҳамкорлик грант дастури доирасида илмий-тадқиқот муассасаларида малака оширди ва стажировка ўтади. Уларнинг 26 нафари Европа, 14 нафари МДХ ва Осиё мамлакатларида бўлди.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш учун 2021 йилда университетнинг 17 нафар профессор-ўқитувчилари илғор хорижий университетларда маърузалар ўқиб келди. Университетда таълим сифат ва самарадорлигини ошириш учун рақамли университет лойиҳаси асосида **HEMIS** (Higher Education Management information Systems) дастури жорий этилди. Бугун бу жараён ўз самарасини бериб бошлади. Ўқув жараёни тўлиқ **HEMIS** дастури билан бошқарилмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти, талабалар билимини баҳолаш, дарс жадвали каби муҳим ишлар тизимда бажарилиб, назорат қилинмоқда. Бугун ўқув жараёнини қоғозда тартибга келтириш каби бюрократик амалиётлар деярли бекор қилинди. Бу жараён АРМга ҳам тадбиқ этилиб АРМ илмий кутубхоналар тизимлари билан интеграция қилинмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва тарбия керак. Жамиятимзда эртанги кунимизни ҳал қиладиган юксак малакали профессор-ўқитувчилар ва зиёлиларга эҳтиёж жуда каттадир. Маънавий етук кадрларни тайёрлашнинг маъсулияти олий таълим бўғинида амалга оширилади. Шунинг учун монографиядаги тадқиқотнинг объектида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида рўй бераётган муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишга эътибор берилди. Тадқиқот натижалари оммавий ахборот воситалари ва илмий журналларда ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Халқаро конференцияларда муаллифлар маърузалар билан иштирок қилди. Тадқиқотда янги қабул қилинган ўқув-услубий ҳужжатлар ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш, таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг долзарб соҳалари оид назарий ҳамда амалий ҳулосалар берилган.

Тадқиқотнинг методи: Тадқиқотда таянч олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва Термиз давлат университети ўқув-услубий бошқармаси методистлари билан ҳамкорликда ўқув жараёнини ташкил этишда кузатиш, анализ ва синтез, сўровнома ва жамоатчилик фикрини ўрганиш каби ижтимоий-фалсафий ҳамда мантиқий тафаккур методларидан тизимли фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Янги Ўзбекистонда ўқув жараёни учун янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши ва академик мустақиллик берилган бир вақтда ўқув жараёни ҳамда маънавий-ахлоқий ишларни тўғри тизимли ташкил этишга амалий ёрдам беришдир. Янги ўқув меъёрий ҳужжатларнинг ижобий жиҳатларини тарғиб этиш билан бир қаторда унинг афзалликларини амалда тадбиқ этиб кўрсатишдир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Тадқиқот натижалари ва уларда тавсия этилган таклифлардан ўринли фойдаланилса олий таълим муассасаларида ўқув жараёни тизимли ташкил этилади. Бу эса “университет 3.0.” концепцияси учун пойдевор яратишга қўйилган муҳим қадамдир.

1-§.ОЛИЙ ТАЪЛИМ: КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АФЗАЛЛИКЛАРИ, МУОММАЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Оламда майдон, узунлик, суюқлик оғирлик меъёрлари учун ўлчов бирликлари мавжуд. Бу ўлчов бирликлари инсон тафаккурининг маҳсули. Бу ўлчов бирликларидан инсон турмушда ҳар куни ва ҳар вақт фойдаланади. Бу ўлчов бирликларини бузмаслик ҳолати жамият томонидан аксиома сифатида қабул қилинган. Шунинг учун ҳам жамиятда одамлар бу ўлчов бирликларини бузмасликка ҳаракат қилади. Бу ўлчов бирликларидан нотўғри фойдаланган жойда дарров эътирозлар пайдо бўлади. Таълим тизими ҳам катта бир бозор. Бу бозорда профессор-ўқитувчи билим сотувчиси бўлиб талаба эса харидор (истеъмолчи) сифатида иштирок этади.

Бугун билимни NEMIS ахборот тизимида баҳолаш тизими (5 балл), рейтинг баҳолаш тизими (100 балл) ва кредит баҳолаш тизими (100 балл) каби ўлчов бирликларидан фойдаланилмоқда. Талаба билимига қўйилаётган баҳолар(баллар)да унинг билимини тўғри ва аниқ ифодаланаяптими? Агар тўғри ифодаланаётган бўлса билими паст кадрлар қаердан пайдо бўлаяпти? Олий таълимда мана қарийиб икки йилдирки кредит-модуль тизими жорий этилмоқда. Кредит-модуль тизимини жорий этишдан бош мақсад талабанинг билимини тўғри ва аниқ баҳолашдир. Билимни тўғри ва аниқ баҳолаш эса ҳамма даврларда мураккаб бўлиб келган. Айниқса бугунги глобаллашув даврида билимни баҳолашга турли объектив ва субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш учун сунъий интеллектдан фойдаланиш ижобий самара бериши табиий. Энди профессор-ўқитувчи ҳам талаба ҳам NEMIS дастурида тизимли фаолият кўрсатиши лозим. Тизимли фаолият бўлмаса таълим бозорида яна билими паст кадрлар пайдо бўлаверади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 31 декабрда “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарорининг 1-иловасида “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом”ни

тасдиқлади. Низомда кредит-модуль тизими тушунчалари, таълим сифатини таъминлаш мониторинги, академик мобиллик ва кредитларни тан олиш ва баҳо(баллар)ни конвертация қилиш ҳамда кредит-модуль тизимига хизматни ташкил этишга оид янги меъёр ўлчовларининг мазмуни батафсил очиб берилган. Низомда “баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт”¹ деб алоҳида талаб қўйилган.

Сиёсий фанлар номзоди, доцент Комилжон Каримов “Кредит-модуль тизими ўқитишнинг модуль технологиялари жамланмаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш мезони ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра, мураккаб ва тизимли жараён”² деб таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам кредит-модуль тизимида ўқув режа ва ундаги ўқув жараёни жадвали назарий ҳафталаридаги маъруза, семинар, амалий машғулот, тажриба дарслари ҳамда талаба мустақил таълими ўқув юкламаларини уйғунликда ташкил этиш орқали NEMIS дастурида белгиланган муддатларда талабанинг фанлардан ўзлаштиришини баҳолаб бориш жараёни профессор-ўқитувчи ва талабадан жуда катта маъсулият талаб қилади.

Ҳар бир профессор-ўқитувчи дарс бераётган фанининг баҳолаш жадвали ва мезонларини фан syllabusида содда тушунарли ҳолатда талабага аввалдан етказиши, талаба тақдим этган топшириқларни ўз вақтида баҳолаши, талаба эса фан syllabusида қўйилган вазифаларни ўқув жараёни жадвали назарий ўқиш ҳафталарининг белгиланган муддатларида тақдим этиб бориш шарт. Бу жараён профессор-ўқитувчидан ҳам талабадан ҳам тизимли қарор қабул қилишни талаб қилади..

NEMIS ахборот тизимида тавсия этилган 5 баллик баҳолаш, 100 баллик рейтинг баҳолаш ва 100 баллик кредит баҳолаш тизимларини жорий этиш ва амалда қўллаш бўйича Низом ва услубий кўрсатмаларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу низомни адлия вазирлиги рўйхатидан ҳам ўтказиш лозим. Чунки, таълимда

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 31 декабрь 824-сон. 1-илова 6-боб 31-банд.

² К.Каримов Олий таълимда кредит-модуль тизими: асос ва амалий тажрибалар аҳамияти//Ўзбекистонда олий таълим журнали. 2022.№2. 2-б.

манфаатлар баҳолаш жараёнида тўкнаш келади. Парадоксли ҳолатларда конуний ечим топишга ёрдам беради. Илгари қабул қилинган ва амалда қўлланилган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом ва унинг талаблари билимини тўғри баҳолаш жараёнига тўсқинлик қилиб қолди.

Бу низом жуда кўп суиистеъмолчиликларни келтириб чиқарди. Айниқса, профессор-ўқитувчида ҳам талабада ҳам баҳолаш жараёнига беписандликни вужудга келтириб, билими паст талабага юқори балл қўйиш ёки билими юқори талабага паст баҳо қўйиш каби ҳолатлар тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Бу жараённи исботлаш ва далил келтириш ҳам мураккаб эди. Бу жараён кўпинча профессор-ўқитувчининг виждонига ҳавола эди.

Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларида талаба ўқишга кирганидан сўнг биринчи семестр якунларидан сўнг ўқишга ва таълим олишга мотивацияси сўниб кетар эди. Кредит-модуль тизимининг энг устун афзалликларидан бири бу аввало профессор-ўқитувчини ўз фани доирасидаги янги ўқув адабиётларини ўқишга мажбур қилаётганлиги билан ажралиб туради. Фан syllabusидаги мавзулар ва мустақил таълим топшириқларини тақдим этиш шакллари танлаш ва тавсия этиш ҳамда ўз муддатида баҳолаш орқали NEMIS ахборот тизимида қайд этиш ўз устида ишлашга мотивация берди.

Иккинчи, муҳим афзалликларидан бири бу профессор-ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишни тезлаштириб юборди.

Учинчи, муҳим афзалликларидан бири бу профессор-ўқитувчини қоғозбозликдан халос қилди. Илгари бошқа бир профессор-ўқитувчи тайёрлаган ўқув-услугий мажмуасини ҳатто бир марта ҳам ўқимай машғулотларга олиб кириб юрган шахслар аста-секинлик билан ўз жозибадорлигини йўқотмоқда.

Чунки, бугун олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари илғор хорижий таълим муассасалари ўқув режалари билан уйғунлаштирилмоқда. Талабага профессор-ўқитувчини ҳам

фанни танлаш имконияти яратилмоқда. Бу жараён кафедраларда соғлом рақобат муҳитини вужудга келтирмоқда. Шу билан бир қаторда кредит-модуль тизимини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган низомнинг баҳолаш, баҳоларни конвертация қилиш деб номланган 6-бобида баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш тавсия этилган.

Демак, баҳолаш жадвали ва мезони учун ўқув адабиётлари турига эҳтиёж сезилмоқда. Таянч олий ўқув юртлари ёки олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бу вазифани зиммасига олиши лозим. NEMIS ахборот тизимида тавсия этилган баҳолаш шакллари ва олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқномани қўллашга доир минтақавий ўқув семинарлари ташкил қилиш керак.

Чунки, талаба мустақил таълими ва унинг бўлимлари, шакллари ва турлари ҳақида профессор-ўқитувчиларнинг ҳам талабаларнинг билими, кўникмаси, малакаси саъздир. Бош илмий методик марказ ва унинг тармоқ, минтақавий, марказларида ўқитилган курс эҳтиёжни қондирмайди. Уларда кўпроқ хориж тажрибаси назарий шаклда баён этилмоқда. Бугун бу соҳага амалиётчи профессор-ўқитувчиларни жалб этиш вақти келди.

Баҳолаш ҳам амалда ҳам виртуал оламда намойиш қилиб кўрсатилса яхши самара ва натижа беради. Кредит-модуль тизимини жорий этишдаги муаммолардан яна бири бу фаннинг ўқув дастурлари билан боғлиқдир. Олий ва ўрта махсус таълим вазири 2021 йил 16 июлда “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”³ги 311-сон буйруғи 8-

³ Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи. 2021 йил 16 июль “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”³ 311-сон 8-илова

иловасида ўқув дастурини ишлаб чиқиш тартибини белгилаб берди ва намуна шаклини ҳам қўйди. Энди олий таълим муассасалари фан ўқув дастурларини мустақил ишлаб чиқиб Кенгашда тасдиқламоқда. Олий таълим муассасаларида фан ўқув дастури асосида ишлаб чиқиладиган ишчи ўқув дастурини фаннинг syllabusі деб номлаш керакми ёки ишчи ўқув дастур деб аввалги номда қолиши керакми деган савол пайдо бўлмоқда.

Ҳукумат ва вазирлик кўрсатмаларига амал қилинса фаннинг syllabusі деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, фаннинг syllabusі талабага йўналтирилган бўлади. Унда талаба нимани ва қандай ўқиш кераклиги ҳамда ўқиганда қандай натижага эришиши кўриниб туради. Бу талабаларда ўқишга нисбатан мотивацияни кучайтириш билан бир қаторда рақобатни ҳам вужудга келтиради.

Илгари муомалада бўлган фан ишчи ўқув дастури бундай функцияни бажармаган эди. У фақат профессор-ўқитувчига йўналтирилган эди. Шунинг учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ва таянч олий таълим муассасалари бу соҳада ягона нусхани ишлаб чиқиши, худудлардаги олий таълим муассасаларига амалий тавсиялар бериши лозим бўлади. Учинчи, муоммалардан бири бу ўқув жараёни жадвалидаги 15 ҳафталик назарий ўқиш вақтида талаба билимини баҳолашда мустақил таълим вазифаларини бериш ҳамда назарий, амалий, тажриба дарслари билан мустақил таълим вазифа ва топшириқларини уйғунликда баҳолашни ҳамма профессор-ўқитувчилар ҳам чуқур тушуниб олгани йўқ.

Чунки, аввалги низомлар ва унинг талаблари айрим профессор-ўқитувчиларни эътиборсизликка ўргатиб қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Талаба билимига қўйилган баҳолар ва тақдим этилган мустақил таълим топшириқлари ва вазифалари расмийлик учун қайд этилар эди. Талаба билимини кўпинча семестр охирида баҳолаб сўнг мустақил таълим топшириқларини тақдим этиш ҳолатлари кузатилар эди. Кредит-модуль тизими ва NEMIS ахборот дастури бундай ҳолатларни қабул қилмайди ва

кечирмайди. Шунинг учун “Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома”да тавсия этилган мустақил таълим шакл ва турларини жорий этиш бўйича услубий кўрсатмалар чоп этиш ва бу соҳада фаол бўлган олий ўқув юртлири кафедралари билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш лозим. Кредит-модуль тизими ва NEMIS ахборот дастури талаблари изчиллик билан мантикий кетма-кетликда босқичма босқич тўғри татбиқ этиб борилса олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларнинг сифати яхшиланиши билан бир қаторда эртага ишлаб чиқаришда битирувчиларга нисбатан эътирозлар кескин камайиши табиийдир. Энг муҳими жамиятда одамларда ўқишга нисбатан мотивация янада кучаяди. Бу эса университет 3.0 авлодини яратишга қўйилган илк қадам бўлади.

2-§.УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ШАКЛЛАНАЁТГАН ДАВРДА ФАЛСАФИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ- ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭҲТИЁЖИ

Инсонга берилган фазилатли неъматлардан бири бу тафаккур. Тафаккур туфайли инсон борлиқни, жамиятни ва ўзини англаб мушоҳада қилади. Мушоҳада эса инсонга ҳикматли нарса ва ҳодисаларни билиш, ўрганиш ва кундалик турмушида залолатдан ҳидоятни, нафратдан муҳаббатни, ҳаромдан ҳалолни, бидъатдан покликни ажратишга ёрдам бериб уни ҳидоят йўлига бошлайди. Ҳидоят, муҳаббат, ҳалоллик ва поклик каби инсонни азиз қиладиган ахлоқий тушунчалар ҳақида баҳс яъни, мушоҳада қиладиган фанлар бу фалсафа, маънавиятшунослик ва диншуносликдир. Бу фанларнинг мавзуси ҳақида олимлар азалдан баҳсга киришганлар ва бугун ҳам бу жараён давом этмоқда. Агар таълим муассасалари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки университетларда ҳам илоҳиёт фалсафаси, маънавияти ва диншунослиги талабаларга фан сифатида ўқитилганлигига ўқув режалар тарихи гувоҳлик бермоқда.

Янги Ўзбекистон учинчи ренессанс пойдеворини яратишга киришар экан, унинг олий таълим муассасаларини бошқараётган раҳбарлари бакалавр

таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларининг мажбурий ва танлов фанлари блокларида ҳидоят, муҳаббат, ҳалоллик ва поклик ҳақида баҳс қиладиган фалсафий фанларга ажратилган соатлар ҳажмига эътибор беришига жамиятда эҳтиёж сезилаётганлигини англаши лозим. Акс ҳолда, олий таълимга оид қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини руёбга чиқаришда рақобатга бардош беролмаслик кузатилиб, тайёрланаётган кадрлар салоҳиятида эса заифлик ҳолати намоён бўлаверади. 2021 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикасининг янги олий ва ўрта махсус таълим вазири “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 311-сонли буйруғини қабул қилди. Бу буйруқ ва унинг иловасида қабул қилинган ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини дунё олий ўқув юртлири билан уйғун ривожланишига имконият яратиб беради. Вазирнинг бу буйруғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда олий таълимнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва таълим сифатини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини амалга ошириш учун тизимда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва ўқув ёрдамчи ходимларга энг муҳим мотивацияни берди.

Чунки, бугун олий таълим муассасаларидаги 10 та билим соҳаси, 26 та таълим соҳаси, 308 та бакалавр таълим йўналиши ва 588 та магистратура мутахассисликларида олти юз минг нафардан ортиқроқ талабалар таҳсил олаётган бўлса, уларга ўттиз мингдан кўпроқ профессор-ўқитувчилар мингдан кўпроқ фанлардан сабоқ бермоқда. Бу талаба- ёшлар 15-20 йилдан сўнг янги Ўзбекистоннинг бошқарув кадрлари бўлиб етишади.

Демак, бу кадрлар таълим олаётган йўналиш ва мутахассисликларнинг ўқув режа ва фан дастурларини, дуал таълимни жорий этиш ҳолатини, учинчи авлод университетлари ҳаёти билан қиёслаб уларга қараб уйғун ривожлантиришни таъминлаш билан бир қаторда менталитетимиздан келиб чиқиб таълимни тарбия билан ҳамкорликда олиб боришга алоҳида эътибор

бериш керак бўлади. Таълимни тарбияга, тарбияни таълимга қарама қарши кўймай, аксинча уларнинг уйғунлиги етук мутахассислар тайёрлаш учун гаров эканлигини англаш зарур.

Мутахассислик бўйича чиройли маъруза ўқиш билан бирга шахс сифатида чиройли тарбия ҳам бериш ҳам олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг муҳим бурчидир. Агар профессор-ўқитувчида шу уйғунлик бўлмаса унинг тингловчиси бўлган талабада ҳам шу заифлик такрорланади. Такрорланмаслиги учун эса олий таълим муассасаларида фалсафий фанлар ўқитилишига янгича тамойиллар асосида ёндошиш лозим бўлмоқда.

Ижтимоий гуманитар фанлар негизини фалсафа, маънавиятшунослик ва диншунослик фанлар ташкил қилади. Чунки бу фанлар хусусан, фалсафа (ҳикматли фикрни қадрлашни), маънавиятшунослик (комилликни) ва диншунослик (ҳалолликни) ўргатади. Шунинг учун бакалавр таълим йўналиши ўқув режасининг 1-00. Мажбурий фанлар блокида фалсафа ва маънавиятшунослик фани модулини қайси вазирлик тасарруфида бўлишидан қатъий назар, барча олий таълим муассасаларида, диншунослик модулини эса 2-00. Танлов фанлари блокида ўқитилиши белгилаб кўйилиши лозим бўлади. Чунки, бу фалсафий фанлар бугунги глобаллашув даврида одамлар маиший турмушида пайдо бўлаётган ва тобора миллий урф-одатларимиз, маросимларимиз ҳамда анъаналаримизга салбий таъсир ўтказаяётган бидъатлар моҳияти ҳақида мушоҳада қилади ва шахсга тўғри йўлни танлашда дунёқараш беради.

Собиқ шўролар даври фалсафий фанлари фақат коммунистик партиянинг мафкураси ва назарияси бўлиб қолиш билан бирга бу фанларнинг таълимоти ижтимоий маиший турмушдан ажралиб қолган эди. Одамлар тингласа-да, лекин ёлғонлигини, сохталигини ошқора ҳеч ким айтмас эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда яратилган фалсафий фанларидаги таълимотлар ҳам кўпинча рус ёки хорижий фалсафий фанлардан таржима қилиб олингани учун ҳам одамлар қабул қилиши осон бўлмади.

Тингловчилар охир-оқибат кўча фалсафаси билан жамият ҳикматли фалсафани ажратолмай қолди.

Агар мутахассислик фанлари ўз касбининг билимдони бўлишга ёрдам берса, фалсафий фанлар эса хидоят, муҳаббат, ҳалоллик ва поклик каби фазилатларни камол топтиришга кўмаклашади. Бу азалий исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Лекин, сўнги даврларда олий таълим муассасаларида ўқув режаларни учинчи авлод университетлари ўқув режаларидаги фанлар билан қиёсий ўрганилмасдан туриб оптималлаштириш баҳонасида фалсафий фанларни қўшиб юбориш ёки ўқув режадан чиқариб ташлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг салбий оқибати ҳозир билинмасда, лекин 15-20 йилдан кейин аниқ сезилади ва унда келгуси авлод бизнинг хатомизни тўғирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Айни пайтда ижтимоий фанларни таълим босқичлари ва ихтисосликлар талаблари ва тамойилларига мослиги ўқувчилар, бакалаврлар ва магистрларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари, касб хусусиятларига мувофиқлиги ҳақидаги аниқ тасаввурлар йўқ”⁴ деб бежизга таъкидламади. Бугун умумий ўрта таълим мактабларининг 1-11 синфларда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Тарбия” фани ўқитилмоқда. Бу фан ўзбек халқи менталитети эҳтиёжларига тўла жавоб беради. Фақат бу фандан ким ва қайси таълим йўналиши битирувчилари дарс бермоқда деган муаммо бор?! Олий таълимнинг бакалавр босқичида фалсафий фанларни Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори (2021 йил 16 июлдаги 311-сонли буйруғи 2-илоvasи билан тасдиқланган) билим ва таълим соҳалари эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Натижада, таълим фалсафаси, санъат фалсафаси, бизнес ва бошқарув фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, табиий фанлар фалсафаси, ахборот технологиялар фалсафаси, муҳандислик фалсафаси, тиббиёт фалсафаси каби фанларни мутахассислик билан боғлаб ўтиш имкони пайдо бўлади. Бу эса

⁴ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент. "O'zbekiston" нашриёти, 2021. 270-бет.

таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, энг муҳими сифатли ҳамда креатив фикрлайдиган кадр тайёрлашга ёрдам беради. Бу ҳолатда энг катта муаммо фалсафий фанларнинг таълимотларини миллий давлатчилигимиз фалсафасини жаҳон фалсафаси билан уйғунликни таъминлайдиган дастур ва ўқув адабиётларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Олий таълимдаги маънавиятшунослик ва диншунослик фанлари умумий ўрта таълимдаги ва бошқа ижтимоий гуманитар фанлардаги ахборотларни такрорламаслиги керак. Чунки, яқин-яқингача бу ҳолат шундай бўлиб келган эди. Натижада, аудиторияда фанга нисбатан салбий дунёқараш шаклланди. Диншуносликни дин фалсафасидаги маиший турмуш фалсафаси билан боғлаб ўқитиш яхши самара беради. Бугун турмушда энг олий кадрият никоҳга нисбатан лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ёки тадбиркорлик фазилатлари нима учун заиф эканлигига сабабларни дунёвий ва илоҳий китоблардан далиллар билан тушунтирилса кадрларнинг касбий компетенциялари мустаҳкам бўлади. Демак, маънавиятшунослик ва диншунослик фанлари учун ҳам янги дастур ва янги авлод ўқув адабиётларига эҳтиёж пайдо бўлади. Шу ўринда файласуф, маънавиятшунос ва диншунос кадрларни тайёрлаш муаммосига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг Таълим билим соҳасининг таълим соҳасидаги миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши ўрнига маънавиятшунослик бакалавр йўналиши бўйича кадр тайёрлаш учун таълим йўналишини киритиш лозим. Чунки, умумий ўрта таълим мактабларида шу таълим йўналишини битирган кадрлар “Тарбия” фанидан дарс бериши мумкин. Давлат ва нодавлат таълим муассасларида эса маънавият-маърифат масалалари билан ҳам шу таълим йўналиши кадрлари шуғулланса “Янги Ўзбекистон-маърифатли жамият” тамойили тизимли руёбга чиқиб боради.

Файласуф олим, профессор Н.Мухаммадиев касб хусусиятларидан келиб чиқиб фалсафий фанларни “табиат фалсафаси, техника ва информацион технологиялар фалсафаси, тиббиёт фалсафаси, иқтисодиёт-рақобат

фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, ҳарбий жанг санъати фалсафаси, ахборот хавфсизлиги ва технологиялари фалсафаси, маданият ва санъат фалсафаси, таълим ва тарбия фалсафаси, тарих фалсафаси, сиёсат фалсафаси”⁵ тартибда ўқитишни таклиф қилади. Бугунги рақобатли жамиятда етук кадрлар тайёрлаш учун ҳам шу тартибда фалсафий фанларни ўқитишни ҳаётнинг ўзи зарурият даражасига олиб чиқмоқда. Чунки, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармонида “олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш”⁶ асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Чунки, дунё университетлар тарихи уч авлодга бўлинади. Биринчи авлод университетларини классик, яъни таълим бериш, иккинчи авлод университетларини ноклассик университетлар бу таълим ва тадқиқот олиб бориш асосий вазифаси бўлган бўлса, ХХ асрнинг охирига келиб учинчи авлод университетлар пайдо бўлди. Бу университетлар таълим, тадқиқот ва тадбиркорлик яъни илмий назарияларни тижоратлаштиришни руёбга чиқарди. Демак, бугун университетларнинг асосий вазифаларидан бири илмий назария ва ғояларни амалиётга жорий этиш ва уни тижоратлаштириш энг муҳим устувор вазифа бўлиб турибди.

Бундай шароитда фалсафий фанлар яшаб қолиши қандай бўлади?! Бу саволга ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Бизда узоқ йиллар давомида ижтимоий фанларга нисбатан бир томонлама технократик ёндошув, бу борадаги масалаларга ажабтовур бир “ўғай” қараш шаклланиб қолган. Айни пайтда, афсус билан қайд этиш мумкинки, ҳалигача узлуксиз таълим

⁵ Муҳаммадиев Н.Э. Мустафаев У.У. Олий ўқув юртларида фалсафа фанини ўқитишни тубдан ислоҳ қилиш-давр талаби. //Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий тарққийтни жадаллаштиришнинг фалсафий муаммолари мавзусидаги вазирлик микёсида ўтказилган онлайн илмий-амалий анжуман.- Термиз 2020 йил

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847.

босқичларида, айниқса олий таълим тизимида ижтимоий фанларни қанча ҳажмда ва қандай йўналишларда қай бир шаклда ва қандай мазмунда ўқитиш ва ўргатиш бўйича яхлит концепция йўқ”⁷ фикрларидан хулосалар чиқаришимиз лозим бўлади.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий Кенгаш ишларига Президент, худудларда эса вилоят ва туман ҳокимлари маъсулдир. Бу тизимга халқаро ташкилотларнинг ҳам қизиқиши мавжуд. Шунинг учун олий таълим муассасалари раҳбарлари ўзларига берилган мустақил равишда ўқув режа ва фан дастурларини мустақил ишлаб чиқиш учун берилган ваколатларини суистеъмол қилмай юқоридаги билдирилган таклиф ва тавсияларни ҳамда мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида ижтимоий гуманитар фанлар ва уларнинг жамият ҳаётида тутга аҳамиятига оид фикрларидан келиб чиқиб бу фанларнинг соатлар ҳажми ва қандай ўқитилишига эътибор бериши лозим бўлади.

Таълим йўналиши ва мутахассислик ўқув режасини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш ниҳоятда мураккаб жараён. Ўқув режа асли бир варақ бўлса-да уни ўқийдиган ва тушунадиган кадрлар Республикада ҳам кам топилади. Вилоят олий таълим муассасаларида эса деярли йўқ. Ҳозир ўқув режаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда дунё рейтингида 500 ёки 1000 таликка кирган олий ўқув юртларининг ўқув режаларини кўрмасдан ёки қиёсий таҳлил қилмасдан туриб, илгари мавжуд бўлган ўқув режаларни “маҳаллийлаштириб” тасдиқлаб, плагиаторлик ҳолатида жорий этиш ҳоллари кузатилмоқда. Ижтимоий гуманитар фан вакиллари учун Nemis дастури яхши самара бериши маълум бўлиб қолди. Шунинг учун олий таълим профессор-ўқитувчилари ўқув юкламалари ҳажми учун янги таҳрирдаги “Вақт меъёр”ларини ва талаба мустақил иш тошириқлари шакли, тақдимоти ва ҳимоялари учун янги низомга эҳтиёж сезилиб турибди.

⁷ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент.”O'zbekiston” нашриёти,2021.231-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Биз “маънавиятшунослик” фанининг тамал тошини кўйдик. Бу йўналишдаги ихтисосликлар фанлар классификаторига киритилди, улар бўйича ихтисослашган Кенгаш ташкил этилиб, диссертациялар ҳимояси йўлга қўйилмоқда. Олий таълим бакалавр босқичи учун “Маънавиятшунослик”, магистрлар учун “Касб маънавияти” фани жорий этилмоқда”⁸ деган фикрларидан олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва фан дастурларини рўйхатдан ўтказадиган маъсуллари ўз ишларини яна бир карра қайта тафтишдан ўтказиши керак бўлади. Иккинчидан, ижтимоий гуманитар фан профессор-ўқитувчилари эса маъруза, семинар, амалий дарс, талаба мустақил иш топшириқлари беришга ва ўқув адабиёт турларини тайёрлашга Президент Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобидаги назарий хулосаларга таяниб, аудиторияга янгича руҳ ва соғлом ғояларни олиб кириши талаб этилмоқда.

3-§. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЖАМИЯТ ҚАДРИЯТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Дунё халқлари тарихида маънавият ва маърифат масалаларига ҳар доим алоҳида эътибор бериб келинган. Бошқа давлатларда фарқли ўлароқ янги Ўзбекистонда маънавият ва маърифат масалалари ва унинг Кенгашига Президент раҳбарлик қилади. Ҳудудларда эса вилоят ва туман ҳокимлари бу ишларга маъсул қилиб тайинланган. Бу янги Ўзбекистон моделидаги алоҳида ўрганиладиган долзарб мавзулардан бири саналади. Бугун янги Ўзбекистонда маънавият ва маърифат масалалари давлат сиёсати даражасида олиб борилаётганлигига бошқа халқлар ва уларнинг сиёсатчилари ҳам қизиқаётганлиги бежиз эмас.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент.”O'zbekiston” нашриёти,2021.233-бет

Шунинг учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг "...жамият ҳаётининг танаси иқтисод бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир"⁹ деган ғояси янги Ўзбекистон моделида асосий устунлардан биридир. Яъни, Ўзбекистонда кучли иқтисод барпо этиш билан бир қаторда шу юртда яшаётган халқларнинг маънавий қадриятларини эъзозлаш ҳамда бой маънавий меросларидан комил инсонни тарбиялаш борасида улардан оқилона фойдаланиш демакдир. Бу жараён эса маънавият ва маърифат билан руёбга чиқади.

Маънавият, маърифат, таълим ва илм иқтисодга жон, руҳ бериши билангина кучли иқтисод вужудга келиши бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Агар шарқ халқлари тарихи ва турмуш тарзига эътибор берилса маънавият ва маърифат, одоб ва ахлоқ масалаларига давлат раҳбарлари ҳам ва мутафаккир олимлар эътиборсиз қарамаган. Шу жумладан, Моваруннаҳрда ҳам бу масала эътиқодни шакллантиришда асосий устун саналган. Чунки, эътиқодни тўғри шакллантирмай туриб кучли иқтисодни шакллантириш мумкин эмас. Иқтисоднинг заифлиги ва маънавият-маърифатдаги инсон фазилатига хос бўлмаган ҳатти-ҳаракатларнинг рўй бераётганлиги эътиқод билан боғлиқдир. Бу соҳа бўйича адабиётларни таҳлил қилинса, биринчи навбатда буюк мутафаккир Абу Наср Форобийнинг ҳаёти ва асарларига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Чунки, Абу Наср Форобий илм соҳаси бўйича етук дунё олимлари билан мунозара қилганда 17 ёшда эди. У қадимги Шом(ҳозирги Сурия) худудидаги мадрасада ўтказилган катта анжуманда фалсафа илми бўйича маъруза қилади. Маърузаси тугагандан сўнг Абу Наср Форобийга иштирокчилардан етмишта савол тушади ва у киши савол эгаларига уларнинг она тили ва улар лаҳжасида арабга араб тилида, юнонга юнон тилида саволларига жавоб берган экан. Шундан сўнг шарқ ва ғарб олимлари ўртасида Абу наср Форобий 70 тилини билади деган фикр кенг тарқалиб кетади.

⁹ Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. 19.01.2021.

Яқин тарихимизга назар солсак, бундан 112 йил аввал жадид маърифатпарвар олимлардан Маҳмудхўжа Бехбудий эса ёшларга мурожаат қилиб араб, форс, турк ва рус тилларини мукамал ўрганишга даъват қилган эди. Чунки, замон дунёвий ва диний илмларни ўрганиш учун шу тилларни билишни тақоза қилаётган эди. Бугун янги Ўзбекистонда учинчи ренессансга пойдевор қўйиш мактаб остонасидан бошланар экан, хорижий тилларни ўрганиш ва билиш, энг сўнги замонавий билимларни эгаллаш ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тилнинг аҳамияти муҳимдир.

Шунинг учун ҳам қабул қилинаётган дастурлар азалий илмий, маънавий ва маърифий кадрларнинг узлуксиз тикланишидан дарак беради. Янги Ўзбекистонда фалсафий фанларни ўқитишда буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолияти, асарлари ва бу асарларнинг бугунги кун учун аҳамиятини тарихий методдан фойдаланган ўрганиш йўлга қўйилаётганлиги фуқароларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлик, маъсулиятлик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, Президентимизнинг 2019 йил 5 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш учун 2019 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳкамаси 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”¹⁰ ва чора-тадбирлар дастурини қабул қилган эди.

Президент қарори ва ҳукумат қабул қилган концепция ижтимоий гуманитар, хусусан фалсафий фанларни ўқитишда мутлақо янгича ёндошувларни талаб қилади. Мустақиллик даврида олий таълим муассасалари ўқув режасининг биринчи “гуманитар ижтимоий – иқтисодий” фанлар блокада фалсафий фанлар туркумига кирувчи фалсафа, этика, эстетика, мантик, диншунослик, маданиятшунослик фанлари ўқитиб келинди. Бу

¹⁰ Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида .ВМ 1059-сонли қарори.2019 йил 31 декабрь

фанлар бўйича ўнлаб дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар ва бошқа рисолалар чоп этилди.

Аудиторияларда минглаб маърузалар ўқилди. Бу соҳа олимларининг комил инсонни шакллантириш ва тарбиялаш борасида шижоатли меҳнатини инкор қилмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бугун ўша даврда яратилган адабиётлар маънавий ва маърифий ишларни руёбга чиқаришда, янги Ўзбекистон фуқароларини маънавий-ахлоқий етук қилиб тарбиялашга ожизлик қилиб қолди. Бунинг бир нечта омиллари мавжуддир.

Биринчи омил бу ўша советлар даврида шаклланган ва ўша тизим мафкурасига хизмат қилган фалсафий фанлардан мерос бўлиб ўтган “қуруқ назарий фикрлар”нинг устунлиги, иккинчи омил шу соҳа вакилларининг сўзи ва амалиёти орасидаги тафовутлар, учинчи омил бу соҳа вакиллари орасида кам сонли бўлсада порахўрликнинг мавжудлиги фалсафий фанлар қадрига путур етказди. Тарбия таълим муассасаларида устоз ва шогирд ўртасида порахўрликнинг содир бўлиши шарқ миллий қадриятларида энг жирканч унсур сифатида қоралаб келинган. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари ўқув режаларидаги ўзгаришларга мувофиқ “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар” блокада битта Фалсафа фани ўқитилмоқда.

Бу фан уч модел бўлиб, “Фалсафа”, “Коррупцияга қарши кураш”, “Диншунослик” каби таркибий бўлимлардан иборат. Фанга ажратилган аудитория соатлар ҳажми 60 соат, айрим таълим йўналишларида эса 30 соатни ташкил этмоқда. 60 ёки 30 соат ҳажмда талаба мустақил таълими ҳам берилган. Жамиятда миллий ва диний қадриятларни сақлаш, “оммавий маданият”нинг салбий хуружларидан муҳофазалаш ҳамда бугунги кундаги интернет тизими билан кириб келаётган қадриятларни танлашда фуқароларда саралаш қобилиятни шакллантиришда ижтимоий гуманитар фанлар, хусусан фалсафий фанларнинг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий- гуманитар фанлар тизимининг

аҳамияти катта. Афсуски, ҳозирги вақтда бу фанлар ривожини, улар мансуб илмий-амалий ва таълим-тарбиявий тизимни янгилаш ва оптималлаштириш жараёни замондан ортда қолмоқда.

Айни пайтда ижтимоий фанларни таълим босқичлари ва ихтисосликлар талаблари ва тамойилларига мослиги, ўқувчилар, бакалаврлар ва магистрларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари, касб хусусиятларига мувофиқлиги ҳақидаги аниқ тасаввурлар ҳам йўқ”¹¹ деб таъкидлади. Ижтимоий гуманитар фанлар, жумладан фалсафа фан вакиллари олдида турган энг долзарб вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва унинг амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги дастурида аниқ кўрсатиб қўйилган. Энг долзарб масаланинг **биринчиси** бу маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторини ишлаб чиқиш бўлса; **иккинчиси** эса маънавий тарбияда узлуксизлик ва узвийлик тамойилига амал қилиб она ҳомиладорлигидан тортиб то 30 ёшгача маънавий тарбиянинг йўналишларини белгилаб олиш; **учинчиси** эса ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим кадриятларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш вазифа қилиб қўйилган.

Бу жараёнлар аввало оилада, маҳаллада, мактабгача, умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимида ва ниҳоят олий таълим муассасларида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Юқоридаги маънавий-маърифий тарбия жараёнлари ва уларни баҳолаш учун индикаторларни ишлаб чиқишга оид ижтимоий гуманитар фан вакиллари файласуфлар, тарихчилар, социологлар ва сиёсатшунослар ҳамда педагогларнинг мавзуга оид адабиётларга нисбатан жамиятда эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг тармоқ

¹¹ Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент:-O'zbekiston@ нашриёти,2021.270 бет.

соҳаси бу жараён учун олимларнинг салоҳиятини бирлаштириши лозим бўлмоқда. Энди масаланинг иккинчи бир томони бор.

Табий ва аниқ фанларда нарса ва ҳодисанинг хусусиятини ёки моҳиятини аниқлаш учун индикатор ўлчовидан фойдаланиш ҳеч кимни ажаблантирмайди. Жумладан, электр токининг кучини аниқлаш учун энг оддий буюмлардан фойдаланишни ҳар қандай фуқаро ҳам билади. Аммо, ижтимоий гуманитар фанлар тадқиқот объекти бўлган маънавий - маърифий ва кадриятларни баҳолайдиган ёки ўлчайдиган индикаторни яратиш мумкинмикан деган савол пайдо бўлмоқда. Агар мумкин бўлса, бунинг ечимига олимлар икки йил бўлаяптики таклиф бермай сукут сақлаб турибди.

Бу соҳадаги муаммоли вазифаларга ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ва бугун комил ишонч билан руёбга чиқарилаётган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Меҳр дафтари” каби дастурлар жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириб, маънавий-маърифий ва миллий ҳамда диний кадриятларни баҳолашда маънавий индикатор вазифасини бажармоқда. Ижтимоий гуманитар фан вакиллари энди эса шу дастурларнинг фалсафий моҳиятини ва кейинги ривожланиш учун фаразларни тилгари суриш лозим.

4-§. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Темпус лойиҳаси иштирокчилари Термиз давлат университети фаолиятини ўрганиб ва таҳлил қилиб “Ўқитувчиларининг ўз талабалари-ёш авлод тўғрисида тўлқинланиб сўзлашлари лойиҳанинг барча қатнашчиларини янада илҳомлантиради. Мана шу авлод изланувчан, ҳаракатчан, янги фикрларга очиқ бўлган ёшлардан иборат бўлиб, улар фан ва ахборот технологиялар шиддат билан тараққий этган давримизда сифатли олий маълумотга эга бўлиш қанчалик муҳим эканлигини тўлиқ ҳис этадилар”¹² деб

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун мустақил таълимнинг асосий тамойилларини жорий қилишга доир тавсиялар” Темпус лойиҳаси, Ўзбекистон олий таълим тизимида мустақил таълимни ривожлантириш. 1-2 саҳифа. 2006 йил

таъкидлаган эди. Дунёда инсоният майдонни гектар, узунликни метр, оғирликни тонна, суюқликни литр ва олимлар рейтингини хирш индекси каби ўлчов бирликлари билан аниқлаши ҳеч кимга сир эмас.

Агар ўлчов бирлигида хато бўлса ёки олимнинг хирш индекси паст бўлса фуқаро дарров эътирозини билдиради. Билимларни баҳолаш учун эса беш баллик ёки 100 баллик тизим мавжуд. Билимни беш ёки 100 баллик тизимда баҳолаётганда билимга қўйилаётган балл ёки баҳо аниқ ўлчов бирлиги бўлса у ҳолда тингловчининг билимига қўйилган балл ёки баҳолар тўғри ўлчаб қўйилаяптими? Тўғри ўлчаб қўйилган бўлса нега ривожланган ғарб давлатлари билан замонавий илмда рақобатга бардош беришимиз қийин бўлмоқда.

Аксинча, улардаги талабалар билимини баҳолаш жадвали ва мезонини, методикасини қайта-қайта ўрганиш ва жорий этишга мурожаат қилмоқдамиз. Шарқда, жумладан мусулмон давлатларида ҳам талабаларнинг билимини баҳолаш тарихига оид методик адабиётлар борми? Бор бўлса нега уларга мурожаат қилмаяпмиз. Чунки, ренессанслар тарихи мусулмон давлатлари, хусусан ислом дини тарихи билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг илм-маърифат соҳасига алоҳида эътибор берди. Айниқса 2017-2021 йилларда янги Ўзбекистон учинчи ренессанс пойдеворини яратишга киришган даврда бу соҳа яна ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлди. Янги Ўзбекистонда олий таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёни сифатини яхшилаш учун ҳуқуқий асосларнинг барчаси давлат томонидан яратиб берилмоқда. Таълим сифатига маъсул ва талаба билимини тўғри ўлчаб баҳолайдиган профессор-ўқитувчилар моддий манфаатдорлиги ҳам яхшиланди.

Лекин, бугун олий таълимда талабалар билимини баҳолаш ва уларнинг билимига қўйилаётган балл ёки баҳолар парадоксли ҳолатда. Баъзи катта авлод вакиллари ҳамон “5” баҳоли тизимни маъқул кўриши ҳеч кимга сир эмас. Янги авлод эса билимни 100 балли тизим билан баҳолашни яхши билади. Олий таълимда таълим сифатини яхшилашнинг бош мезони талабанинг

билимига қўйилаётган балл ёки баҳонинг тўғри қўйилишига боғлиқдир. Бу жараён жуда ҳам мураккабдир. Чунки, унга таъсир қиладиган объектив ва субъектив омиллар жуда кўп. Бу профессор-ўқитувчининг дунёқараши, кўникма, малака ва компонентлиги билан боғлиқ жараёндир. Профессор-ўқитувчи учун талабанинг билимини тўғри баҳолаш энг қийин ишдир. Тасаввур қилиб кўринг-а билими “3” га тенг талабани “5” билан баҳоладигиз. Уни ким билади ва ким назорат қилади? Буни виждондан бошқа ҳеч нарса назорат қила олмайди. Шунинг учун ҳам билими “3” га тенг талабага “5” қўйган ва билими “5” га тенг талабага “3” қўйган профессор-ўқитувчи касбига эмас, миллатига хиёнат қилган ҳисобланади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнига оид ҳуқуқий асослар “Таълим тўғрисида”¹³ Ўзбекистон Республикасининг қонунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁴ги 824-сонли қарорида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”¹⁵ги 2018 йил 9 августдаги 19-2018 сонли буйруғида, ўқув жараёнини назорати учун услубий таъминотлар Б.Ш.Усмонов ва Р.А.Ҳабибуллаев “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш” ўқув қўлланмасида, Р.Ҳабибуллаев ва В.Топилдиев “Кредит-модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” ўқув-услубий мажмуасида, Л. В.Перегудов ва М.Х.Саидов “Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти” ўқув қўлланмасида, С.С.Ғуломов, Ҳ.Р.Раимов, М.Х.Саидов, Б.Ҳ.Ҳодиев “Таълим-тарбия сифати ва қирралари” йўлланмаларга жавобларида ва АҚШ олий таълим тизимида кириш

¹³ Ўзбекистон Республикасининг қонуни Таълим тўғрисида. 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси ВМнинг қарори “ОТМ таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31-декабрь 824-сон.

¹⁵ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 2018 йил 9 августдаги 19-2018 сонли буйруғи

манбаларида таҳлил этилган. Талабалар билимини баҳолаш жараёнини тўғри ташкил этиш учун профессор-ўқитувчидан мантиқ илмининг аналогия, аргументлаш, исбот ва раддия усулларини чуқурроқ ўрганишни тақоза қилади.

Бугун ижтимоий тармоқларда талабаларга баҳо олишга эмас, аксинча илм олишга ҳаракат қилингизлар деган фикр кўп такрорланаяпти. Лекин бу фикр ўша айтилган аудиторияда қолиб кетмоқда. Чунки, талабани илм олишга мотивация қиладиган тамойил бу унинг билимига қўйилаётган индикатор балл ёки баҳо билан ўлчанади. Агар талабага кредит-модуль тизими негизида рейтинг баҳолаш, кредит баҳолаш ёки “5” баҳолик баҳолаш тизимлари бўладими жараён тўғри инъикос этирилса талаба - ёшларнинг илмга рағбати аксиома сингари ҳақиқатга айланиб маърифатга интилиш кундалик турмуш тарзига айланиб бораверади. Бугун олий таълим муассасаларига “HEMIS” ахборот тизими кириб келди.

Талабанинг билимини бу тизим орқали баҳолаш ўқув жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган профессор-ўқитувчига ва талабага жуда катта маъсулият юклайди. Чунки тизим сохта ҳаракатни қабул қилмайди ва ҳаммадан тизимли ишлашни талаб қилади. Тизимли ишлаш бошқарувда ўтирган менежерларнинг фаолиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки, бошқарувда ўтирган менежерлар талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг қайси бирини танлаш ва жорий этишга унча ҳам эътибор бермаяпти.

Бу эса ҳукумат ва вазирлик қабул қилган ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга жорий этилишини кечиктирмоқда. Талабалар билимини баҳолаш жараёнига султ эътибор беришнинг бир нечта омиллари бор. Биринчи омил, бу совет даврида талабалар билими “5” баҳоли ёки “зачет”, “незачтено” каби усул баҳоланиб келинган эди. Катта авлод ҳамон шу тизимни маъқул билишади. Оддий ва содда ҳамда ҳаммага аксиомадай тушунарли деб айтишади. Иккинчи омил, бу ОТМларда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этишга юзаки ёндошувдир.

Чунки бу даврда узоқ йиллар рейтинг тизимига киритилган ўзгаришлар ва жорий этишга бағишланган ўқув семинарлари профессор-ўқитувчиларнинг

кўникма, малака ва компонентлигини оширишга ёрдам қилмади. Аудиторияларда маъруза, семинар ва тажриба дарслари ўтилсада ҳар бир босқичда талабанинг билимига қўйилаётган баҳо ёки балл назорат турларида таваккал расмийлаштириб келинди.

Кўпинча бу мураккаб жараёни профессор-ўқитувчилар гуруҳ сардорлари ҳукмига ҳавола қилиб қўйиш ҳолатлари кўп кузатилди. Бу эса маълум даражада талаба –ёшларнинг ўқув жараёнига нисбатан мотивациясини сўндирди ва адолатсиз қўйилган баҳо ёки баллар жамиятда саводсиз кадрларнинг ижтимоий қатламини шакллантирди. Бу ижтимоий қатлам халқ хўжалигининг барча соҳаларида учрайди. 2018 йилдан бошлаб талабалар билимини баҳолашда “5”(аъло), “4”(яхши), “3”(қониқарли), “2”(қониқарсиз) деб баҳоланадиган бўлди. Бу мезон ўқув жараёнига қандайдир илиқ руҳ олиб кирди.

Профессор-ўқитувчилар аввалги рейтинг тизими низомига нисбатан бу мезонни дарров тушундилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва ўзлаштириш кўрсаткичини баҳолашда бирмунча бўлсада ижобий натижалар бера бошлади. Узоқ йиллар талабага билим беришдан кўра рейтинг назорати жадвали ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва стихияли баҳолаш орқали ҳужжатларни расмийлаштириб қўйиш долзарб вазифа бўлиб келди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб баъзи олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими асосида кредит-модуль тизимини жорий этиш бошланди. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб эса бу тизимни тўлиқ жорий этишга ўтилди. Кредит-модуль тизимини жорий этишдаги энг катта муаммолардан бири бу бирон бир олий таълим муассасасида алоҳида битта фан мисолида талабанинг ўзлаштирган ва ўзлаштираётган билимини баҳолашнинг жадвали ва мезони ишлаб чиқилмади.

Фақат кредит-модуль тизимининг афзалликлари ҳақида минбарларда ва тавсия этилаётган адабиётларда умумий, мавҳум ва абстракт фикрлар айтишдан нарига ўтилмаяпти. Амалиёт жараёни билан бошқарувдаги маъсул

шахсларнинг деярли қизиқиши суст ёки пастда, талаба ва профессор-ўқитувчилар орасида ишлаш кўникмаси йўқ.

Бу тизимни НЕМИС ахборот тизими билан қўшиб олиб бориш ҳам талабадан ҳам профессор-ўқитувчидан жуда ҳам маъсулият талаб қилади. Чунки, аввалги рейтинг тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини тизимли амалга оширилмаслиги талабаларда ҳам профессор-ўқитувчиларда ҳам лоқайдлик дунёқарашни шакллантириб қўйди.

Яъни, кейин расмийлаштира ҳам бўлади деган дунёқараш ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Маъруза, семинар, амалий машғулот ва тажриба дарслари бўладими ёки курс иши, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ҳамда давлат аттестация жараёнлари бўладими барча иштирокчилар энди тизимли ишлаш жараёнига ўтиши керак. Бу эса ўқув жараёни жадвалидаги назарий ўқиш жараёни ҳамда бошқа ишораларига қатъий амал қилиш билан бирга ҳар бир босқичда талабанинг билимига аниқ ва реал баҳолаш кун тартибининг биринчи масаласи бўлиб қолишини талаб қилади. Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг НЕМИС_University ахборот тизими орқали рейтинг баҳолаш тизими, Кредит баҳолаш тизими ва “5” баҳолик баҳолаш тизими бўйича услубий кўрсатмалар тарқатилди. Тизим операторлари жараённи содда ва ҳаммага тушунарли қилиб ахборот тайёрлаган.

Талабанинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонидан қайси бирини танлаш олий таълим муассасалари Илмий Кенгашлари ихтиёрига қолдирилган. Баҳо ва балларни конвертация қилиш, яъни кредит-модулга ўтказиш вазирликнинг 2018 йил 9-август, 19-2018-сонли буйруғи билан қабул қилинган, Адлия вазирлигидан 2018 йил 26 сентябрда 3069-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низом асосида амалга оширилади деб тавсия берилади. Энди бошқарув ва молиявий мустақиллик берилган олий ўқув юртларининг ўқув жараёнига маъсул шахслари кафедралар кесимда фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга келтириши керак.

Олий таълим муассасаси даражасида Низомни адлия идораларидан рўйхатдан ўтказиш лозим. Рўйхатдан ўтган Низомдан келиб чиқиб кафедраларга мустақил баҳолаш жадвали ва мезонини ишлаб чиқишга кўрсатма беришларига эҳтиёж сезилмоқда. Баҳолаш учун талабанинг мустақил иши ва унинг шакллари, амалга ошириш механизмлари ҳақидаги низомга ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Амалдаги низом 2009 йил қабул қилинган эди. Бу низом ўз функциясини бажариб бўлиб, бугунги кун учун аҳамияти йўқ. Халқаро андозаларга асосланиб ва юқори рейтингни эгаллаб турган олий ўқув юртларининг тажрибасини ўрганиб тезроқ талаб мустақил иши бўйича низом қабул қилиш ва уни ҳам адлия идораларидан рўйхатдан ўтказиш лозим.

Энг муҳими замонавий мутахассис тайёрлаш учун биринчи омил ўқитилаётган фандан дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг даврга мослиги, аудиториядан ташқари мустақил ўқиш учун берилаётган адабиётларнинг дарс машғулотида олинган билимни тўлдиришга хизмат қилиши, мустақил ишларнинг ранг баранглилиги ва у талабани жазолаш шакли бўлмаслиги керак. Аксинча, ўқишга мотивацияни кучайтириши керак. Бунинг учун маъруза, семинар, амалий машғулотлар аудиторияларини телевизор, ноубук ва бошқа ўқув ёрдамчи жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш ҳам керак бўлади. Бунинг учун бошқарувдаги бир-бирини такрорлайдиган ва таълим-тарбияга хизмат қилмайдиган штат-бирликларини ўқув жараёни ихтиёрига ўтказиш керак бўлади. Ўқув жараёнига салбий таъсир ўтказадиган ёки хизмат қилмайдиган штат-бирликларини иложи борича камайтириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Ўқув жараёни учун маъсул бўлган менеджерлар эса талабани ҳам профессор-ўқитувчини ҳам HEMIS тизими орқали баҳолашни тезроқ ўргатиши ҳамда тизим орқали объектив баҳолаш методикасини шакллантиришга ёрдам бериши керак бўлади. Талабалар контингентининг ошиб бориши параллел равишда баҳоларнинг ҳам объектив қўйилишини тақоза қилади.

Кредит-модуль тизими Ўзбекистон олий ўқв юртлари учун талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезони бўйича янги Низомни ишлаб

чиқишни ва уни Адлия идораларида рўйхатдан ўтказишни талаб қилмоқда. Иккинчидан эса талабалар мустақил иши ва уни кредит-модуль тизими талабига мос равишда янгидан қабул қилишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу ҳуқуқий ҳужжатни ҳам тартибга келтириш лозим. Учинчидан, дарслик ва ўқув кўлланмалар ва бошқа методик адабиётлар турлари замонавийлаштириб методикасини қайта кўриб чиқишга талаб сезилмоқда.

Дарслик, хирш индекси ва методикаси бор профессор-ўқитувчи бўлса, баҳолаш жадвали ва мезони тўғри шакллантирилса ҳамда мустақил иш шаклларида мақсадли фойдаланилса учинчи ренессанс пойдевори шакллантирилаётган даврда рақобатбардош кадрлар тайёрланиши табиий ҳолатдир. Бу тизимни амалга ошириш учун эса кафедра мудирлари аудитория ўқув юкчасини илмий даража ва унвонига қараб штатдаги бирликларга нисбатан аудитория соатини 25% га камайтириб ўқув юкча ва штат берилса таълим сифатига ижобий таъсир ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги видеоселектор йиғилишида “нажот мактабда, нажот тарбияда, нажот илмда” деган ғояси барча учун эзгу мақсадга айланиши керак. Чунки, мактаб, тарбия ва таълим тизимининг барча бўғинларига кадрларни олий таълим муассасалари тайёрлайди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Педагогларнинг дарс ўтиш маҳорати етарли эмас. Улар ўқувчиларга фақатгина ўзи “чала билган” нарсаларни ўргата олади”¹⁶ деган фикри олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари тайёрлаган кадрларининг билими нотўғри баҳоланганлигини аниқлатади. Шунинг учун билимни баҳолаш ва бу индикатор самарали ишлаш учун янги механизм керак.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири, иқтисод фанлари доктори, профессор А.Тошқулов “Келгуси йилларда олий таълимнинг меъёрий-услубий тизими халқаро стандартларга мувофиқ жорий этилади ва бунинг натижасида:

¹⁶ Мирзиёев Ш. Мактаб таълимни ривожлантириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан. 2022 йил 28 январь

мамлакат олий таълим тизими жаҳон таълим маконига тўлиқ интеграция қилинади; таълим дастурларини халқаро миқёсда уйғунлаштириш имконияти кенгайтирилади”¹⁷ деб бежизга таъкидламади.

5-§.СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД - КОМИЛЛИК НИШОНАСИ

Пандемия моддий ва маънавий қадриятларга нисбатан дунёқарашимизни ўзгартириб юборди. Табиат ва инсон, жамият ва эътиқод масалаларида ўзаро уйғунликни таъминлаш тобора долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, инсон эътиқоди хоҳ дунёвий, хоҳ диний бўлсин унинг ижобий ёки салбий таъсири моддий ва маънавий қадриятларда ўз таъсирини қолдиради. Эътиқоди тўғри шаклланиган ва тарбияланган жамиятда инсон моддий ва маънавий қадриятлардан ўз турмушида улардан зийнат сифатида фойдаланади ва бидъатга ўралган қадриятлардан халос бўлиб бораверади. Лекин, глобаллашув ва XXI аснинг 20-йилларида дунё мамлакатларини қамраб олган пандемия даврида моддий ва маънавий қадриятларга нисбатан эътиқодни тўғирлаш, аниқроғи эса тарбиялаш жуда ҳам мураккаб кечмоқда.

Ўзбекистонда 2019 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁸ ги қарори жамиятда соғлом эътиқодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин, қачонки унда қўйилган ахлоқий фазилатларни шакллантиришга барча институтлар масъулият билан ёндошиб ўз муассасаларидаги фуқароларнинг фаолияти бўйича индикаторларини мониторинг қилиб бориб, турмушида намоён бўлаётган бидъатларга барҳам бериб бориш аъъанаси мавжуд бўлса эътиқод тўғри шаклланиб бораверади. Демак, эътиқодни тўғри шакллантириш ва тарбиялашга янги тизимли ёндошув бугун жамиятда бош муаммо бўлиб турибди.

¹⁷ Тошқулов А. Олий таълим тизимидаги ислохотлар: 2021 йил натижалари ва истиқболдаги режалар. Edu.uz December 28,2021 <https://telegra.ph/Hisobot-12-28>. 30.12.2021

¹⁸ Қаранг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 31-декабрь ВМ 1059-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида **“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”¹⁹ деб таъкидлади. Шарқда, жумладан Мовароуннаҳрда эътиқод тарбияси давлат раҳбарлари маърузаларида, мутафаккир олимларнинг илмий асарларида ва маҳалла-куй ҳамда оилаларда ота-оналарнинг диққат марказида бўлиб келган. Фақат собиқ Шўролар ҳукумати даврида бу жараёнга бир томонлама ёндошиб, диний эътиқодга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатилди.

Дунёвий эътиқод ҳам нотўғри талқин этилди. Совет мафкураси бугунги МДХ мамлакатлари ҳудудларидаги миллатлар негизида “совет халқи” шаклланади ва жамият ривожланиб борган сари “дин барҳам топади” деган сохта ақидани одамлар турмушига сингдиришга 75 йил уринди. Охир-оқибат эса 75 йиллик совет атеистик эътиқоди 1991 йилга келиб ўз умрини яшаб бўлганини намоён қилди. Соғлом эътиқод комиллик нишонасини герменевтика методи билан тушунтириш лозим.

Абу Наср Форобий “Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари ҳақида”, Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий “Комил инсон” Сўфи Оллоёр “Саботул ожизин”, Кайковус “Қобуснома”, Саъдий Шерозий “Тулистон” ва “Бўстон”, Алишер Навоий “Насойим ул муҳаббат” Абдурахмон Жомий “Баҳористон”, Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсин” Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Бахтиёр оила”, Усмонхон Алимовнинг “Оилада фарзанд тарбияси” каби асарларида эътиқод ва комиллик ҳақида ибратли назарий ва амалий аҳамиятга эга фикрлар

¹⁹ Қаранг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” 2020 йил 29-декабрь

таҳлил этилган. Президент Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида комил инсон тарбиясини маърифат билан боғлаб таҳлил қилади ва бугун маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш энг муҳим масала бўлиб турибди деган хулосага келади.

XIV аср мобайнида ислом маънавияти дастлабки нозил бўлган пайтдан бошлаб инсонни дунёвий ва диний эътиқодда комилликка даъват этиб келаётганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

(У) инсонни лахта қондан яратди.

Ўқинг! Раббингиз эса Карамлидир.

У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди.

У инсонга билмаган нарсаларини билдирди.

Бу Аллоҳ каломининг мазмун-моҳиятини узоқ йиллар атеистик эътиқод тарғиботчилари ўзларининг доҳийси номи билан боғлаб халқни чалғитиб келди. Ўзбек халқи бу оятларнинг асл моҳиятини таниқли уламо шайх Алоуддин Мансурнинг Қуръони Карим таржималарининг ўзбекча изоҳли таржимаси орқали барҳаманд бўлди. Таниқли адиб Ўткир Ҳошимов эса барча масъулиятни зиммасига бу китобнинг изоҳли ўзбекча таржималарини даврий равишда “Шарқ юлдузи” журналида чоп эттириб борди. Бундан 30 йил бурун шундай савобли ишларга қўл уриш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас эди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи ўз уламо олими шайх Алоуддин Мансур ва адиби Ўткир Ҳошимовни ва “Шарқ журнали”ни алоҳида меҳр билан тилга олинади. Қуръони Карим ислом оламида энг олий маънавий қадрият, бу маънавий қадриятда илм олиш, ўқиш фарз амалларидан биридир.

Демак, халқ учун дунёвий ва диний илмларни ўрганиш бу ўз қадриятларини билиш, ўрганиш мажбурий савобли амалдир. Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг 30 йиллик даврини таҳлил қилсак, жамиятда халқнинг эътиқоди, қадрияти ва уларга бўлган муносабатларда жуда кўп ижобий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, 2016-2020 йилларда мамлакатимизда дин ва эътиқод, диний таълим муассасаларига муносабат, диний уламолар асарларини ўрганиш ва халққа содда тилда тавсир қилиб

тушунтириб беришда ибратли ишлар қилинганлигини халқ ўз турмуш тарзида сезиб ҳам турибди. Халқаро ташкилотлар бу жараёни эътироф ҳам этмоқда. Бунинг яққол меваси сифатида 2020 йил 7 декабрда Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонни диний эркинлик бўйича “Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати”дан чиқарди. Бу дин, эътиқод, кадрият соҳасида Ўзбекистоннинг жасоратли ислохотларининг тан олиншидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”²⁰ деган ғояни бежизга айтмади. Диний таълим муассасалари ва ота-оналарга бу ғоя жуда улкан масъулият юклайди. Чунки, бола туғилгандан то 30 ёшгача бўлган даврда унинг эътиқодини ва ахлоқий фазилатларини тўғри йўналтириш, эртага жамиятга жуда катта интеллектуал капитал олиб келади.

Бу эса Мовароуннаҳрда 9-12 ва 15-16 асрларда рўй берган биринчи ҳамда иккинчи ренессанс даврининг узвий давоми бўлиб, 20-аср бошларида жадидчи-маърифатпарвар имомларимиз Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов амалга оширолмайдиган учинчи ренессансга бизнинг давримизда қўйилган пойдеворнинг дебочаси бўлади. Бугун жамиятда Ватанга садоқат, тadbиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, маъсулиятлилиқ, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш ва меҳнатсеварлик каби ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам кўп аҳамият касб этмоқда.

Ватанга садоқат бу шахснинг ўз туғилган жойини обод этиш учун қийинчиликлардан қўрқмай маърифат билан ҳаракат қилишидир. Tadbиркорлик ҳам инсонга хос фазилат бўлиб у ҳамма вақт ҳам намоён бўлавермайди. Маърифатли шахслар ўзларидаги бу қобилиятни намоён қилишга ҳаракат қилади. Асосий касби ва мутахассислигидан ташқари бошқа касб ва мутахассисликларни ўрганиш ва шу орқали қўшимча даромад ёки

²⁰ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

фойда топиш ҳамда турмушининг янада фаровонлигини таъминлаш жараёнида тадбиркорлик намоён бўлади. Кишининг ўз соҳасини мукамал билиши ва ундан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши тадбиркорликдир. Иродалилиқ инсоннинг руҳияти билан боғлиқ бўлиб бирон бир ишни ёки ҳаракатни бажараётганда мустаҳкам туришини англатади. Иродалилиқ бўлгандагина киши тизимли қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлади. Демак, иродалилиқ кишининг тўғри қарор қабул қилишидир.

Мафкуравий иммунитет шахснинг жамиятда ҳар хил зарарли мафкурадан ҳимояланиш қобилияти бўлиб, бу иммунитет ҳаёт мобайнида шаклланади. Меҳр-оқибатлилиқ жамиятда кишиларнинг бир-бири билан муносабатларидаги оқибатли ва эҳсонли муомалаларидир. Маъсулиятлилиқ шахснинг жамият, давлат, маҳалла, оила ва кундалиқ турмушда ўз касбий ва инсоний вазифаларини англашдир. Толерантлик шахснинг дунёвий ва диний муносабатларда бошқа шахсларнинг эътиқоди, урф-одати, маросими ва анъаналарини ҳурмат қилишдир.

Ҳуқуқий маданият шахснинг жамият ва давлат томонидан қабул қилинган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-маънавий нормаларига амал қилишдир. Инновацион фикрлаш эса кишининг ўз касбий фаолиятида ва маиший турмушда амалга ошираётган ишига тубдан янгича маърифий ёндошувидир. Меҳнатсеварлик эса шахснинг мақсадга йўналтирилга фаолияти бўлиб бу жараёнда у ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиради.

Маънавий-ахлоқий тарбиянинг индикатори бу амалиётдир. Чунки, шахснинг оила, маҳалла, меҳнат жамоасидаги ва жамиятдаги муносабатларининг нормал ва нормадан оғиш ҳоллари амалиётда сезилади ва намоён бўлади. Агар шахснинг ижтимоийлашув жараёни фаол бўлиб эътиқодлари тўғри шакллантирилса ҳидоят йўлидан боради. Ҳидоят йўлидан бориш эса шахснинг дунёқарашига боғлиқ. Дунёқараш ҳам маънавий-ахлоқий тарбиянинг иккинчи индикаторидир. Демак, жамиятда фуқароларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-

оқибатлилиқ, маъсулиятлиқ, толерантлиқ, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш ва меҳнатсеварлиқ ахлоқий фазилатларининг индикатори бу амалиёт ва дунёқарашдир. Шахснинг амаллари ва дунёқараши маърифат билан қарор топади ва ривожланиб боради.

Ўн икки аср илгари имом Бухорийнинг “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”²¹ ва Президент Ш.Мирзиёевнинг “нажот мактабда, нажот таълимда, нажот билимда”²² деган фикрлари бир-бирига уйғун бўлиб жамиятда соғлом эътиқод ва комиллик учун маърифат унинг асосий таянч нуқтаси эканлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланиб руёбга чиқарилмоқда. Эътиқод ва комилликнинг нишонаси таълим тизимида қарор топиб шаклланади. Таълим ва тарбия уйғунлиги эса маънавий ахлоқий тарбия учун бош мезон саналади. Шунинг учун бутун таълим тизимида ўқитиш методикаси, ўқишга тавсия қилинаётган ўқув адабиётлари турларини ва ўқувчи-талабаларнинг билимларининг индикатори бўлган баҳолаш тизимини танқидий таҳлил этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Давлатимиз томонидан таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнининг норматив ҳуқуқий асосларини яратиб бериш кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Лекин, муаммо жойларда ва аудитория-синфхоналарда дарс машғулоти ҳамда таълим-тарбия сифатини яхшилаш суст руёбга чиқаётганлигини эътироф этиш лозим. Бу жараён бевосита ўқув жараёнининг таянч нуқтаси бўлган ўқитувчи фаолияти ва унинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Таълим-тарбия жараёнининг индикатори баҳолаш бўлса ўқувчи-талабага қўйилган баҳо билимга мос келаяптими деган савол барчани ўйлантириши лозим. Билим ва баҳо, баҳо ва билим мутаносиб бўлмас экан эътиқод ва комиллик ҳақидаги фикрлар фақат назария бўлиб қолаверади.

²¹ Имом ал-Бухорий “Ал-Жомий-ас-Саҳих, ҚБТ. Тошкент-1991

²² Мирзиёев Ш. Мактаб таълимини ривожлантиришга бағишланган йиғилишдаги нутқи. 2022 йил 28 январь

6-§.ТУРМУШДАГИ ИСЛОМ:НАМОЁН БЎЛИШИ ВА МОҲИЯТИ

Турмушдаги ислом тушунчасини англаш учун аввало, турмуш категориясининг мазмун-моҳиятни билиб олишга тўғри келади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида турмуш тушунчасига қўйидагича таърифлар берилган.”Инсоннинг, миллат ва халқнинг яшаш, кун кечириш тарзи, кундалик ҳаёти”²³.”Бирор халқ, ижтимоий гуруҳ ва шахсий кишига хос ҳаёт тарзи, урф-одатлар, расм-таомиллар мажмуи”²⁴.”Жамиятнинг оддий ҳаёт шарт-шароитлари мажмуи,объектив реаллик”²⁵.”Никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр-хотинлик ҳолати, шу ҳолатдаги ҳаёти”²⁶.

Юқоридаги фикрларни инкор қилмаган ҳолда турмуш тушунчасига қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Турмуш-одамларнинг ноишлаб чиқариш соҳаси бўлиб,моддий-маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ижтимоий фаолиятидир. Чунки,бу жараёнда одамлар ижтимоий ҳаётда бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиб озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, соғлигини тиклаш,дам олиш,турли маданий-маиший ва диний соҳадаги эҳтиёжларини қондириш учун фаолият кўрсатади. Дин маънавий маданият феномени бўлгани учун одамлар турмушининг номоддий соҳасида динга бўлган эҳтиёжлар қондирилади. Ислом дини ва у билан боғлиқ бўлган урф-одатлар, маросимлар, байрамлар ва анъаналар турмушда алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Чунки,ислом динининг амалий рукнлари инсоннинг маънавий-маиший турмушида унинг комил инсон сифатида намоён бўлишига хизмат қилган. Турмушдаги ислом деган тушунча бугун илмий муомалага кириб келаяпти. Турмушдаги ислом- бу ислом дини урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ва анъаналарининг номоддий соҳада яъни, одамлар турмушида намоён бўлишидир.

²³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.А.Мадвалиев таҳрири остида.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти.Тошкент.200-б.www.ziyouz.com kutubxonasi.

²⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.А.Мадвалиев таҳрири остида.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти.Тошкент.200-б.www.ziyouz.com kutubxonasi.

²⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.А.Мадвалиев таҳрири остида.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти.Тошкент.200-б.www.ziyouz.com kutubxonasi.

²⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати.А.Мадвалиев таҳрири остида.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”Давлат илмий нашриёти.Тошкент.200-б.www.ziyouz.com kutubxonasi.

Диннинг турмушдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олимлар қадимдан тадқиқотлар олиб борган ва рисолалар ёзган. Чунки, инсон маънавий ҳаётда ҳамиша динга муҳтождир. Дин эса ўзининг ижтимоий ҳаётдаги вазифалари билан инсоннинг шу маънавий эҳтиёжини қондиради. Одамлар турмушида дин бажарадиган ижтимоий вазифаларни бошқа биронта бир ғоя, насихат, амал унинг ўрнини босолмайди.

Тарих ва фалсафа китобларидаги инсон ва дин пайдо бўлиши ҳақидаги шу давргача бўлган фикрларнинг кўпи мунозаралидир. Айниқса, собиқ совет республикалари ҳудудларида 1917-1985 йилларда чоп этилган адабиётлар атеизм нуқтаи назаридан ёзилгани учун бундай фикрларга кўпроқ устунлик берилган. Шундай бўлсада, тарихчи, этнограф ва файласуф олим И.Жабборовнинг “Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти”, файласуф олим А.Абдусамедовнинг “Социал тараққиёт ва ислом”, Т.Саидбаевнинг “Жамият ва ислом”, М.Усмановнинг “Ислом ақидалари ва урф-одатлари” каби китоблари мавзуни ўрганиш учун аҳамиятлидир.

Ҳозирги даврдаги файласуф олимлардан Қ.Назаровнинг “Аксиология” Қадриятлар фалсафаси, И.Саифназаров ва Д.Эрназаровларнинг “Динлараро ҳамжиҳатлик – ижтимоий бағрикенглик омили”, Н.Муҳаммадиев, А.Бекназаров, Н.Мавлоновларнинг “Жаҳолатга қарши маърифат билан кураш-маънавий тараққиётни таъминлаш ва руҳий таназулларни бартараф этиш омили” ва М.Мажитовнинг “Жаҳон динлари ва умуминсоний қадриятлар” каби асарларида турмушда динларнинг ўрни ҳақидаги тадқиқот натижалари баён этилган. Турмушдаги ислом дини аҳамиятини ўрганиш учун социологик тадқиқот натижалари, кузатиш, анализ ва синтез, қиёсий таққослаш ва диалектик, каби методлардан фойдаланилди.

Турмушдаги ислом деганда аввало, ислом динининг маиший турмушда, одамлар ижтимоий фаолиятида намоён бўлиши ҳамда унинг маънавий эҳтиёжни қондиришдаги аҳамияти назарда тутилади. Ислом дини нозил бўлиши билан аввало эътиқод масаласига алоҳида аҳамият берилганлигини ҳеч инкор қилмайди. Чунки, эътиқод хоҳ диний ёки хоҳ дунёвий бўлсин у

инсонни залолатдан сақлаб, ҳидоят сари етаклайди. Ислом дини нозил бўлиш арафасида ҳам динлар кўп эди, лекин ўша давр динлари инсонни залолатдан қайтаришга ожизлик қилиб қолган эди. Шундай бир вазиятда ислом дини инсоннинг эътиқоди тўғри бўлсагина жамият барқарор ривожланиши мумкин деб бу нарсани турмушда асослади.

Эътиқод сўзи исломда “ақийда” ёки “ақоид” термини билан ифодаланади. Вояга етган кишининг соғлом эътиқоди бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Исломда эътиқоднинг манбаи бу Қуръони Карим ва Суннатдир. Дунёвий эътиқоднинг манбаи эса илмдир. Дин ва илм инсоннинг эътиқодини тўғрилаш билан бирга унинг турмушини ҳидоят билан тўлдиради. Илм ва дин уларни бир – бирига қарама қарши қўймай аксинча, бугун иккисини ўрганиш ҳаёт тақозасидир. Инсон эътиқодини диний ва илмий нуқтаи назардан тўғри шакллантирилса ижтимоий турмушда барқарорлик таъминланиши табиий бир ҳолатдир.

Мовароуннаҳр тарихида диний ва дунёвий алломалар эътиқод масаласига алоҳида эътибор бериб уни ўрганишган. Жумладан, Сўфи Оллоёрнинг “Ақийда билмаган шайтона элдур, Агар минг йил амал деб қилса, елдур”²⁷ деган фикрлари бугун ҳам аҳамиятлидир. Турмушдаги ислом бу инсон ҳаётида энг аввало унинг эътиқодини тўғри шакллантириш учун ҳам зарур ва керак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “турмуш” тушунчасига таъриф берилганда “Никоҳ асосида юзага келадиган ҳаёт, эр-хотинлик ҳолати, шу ҳолатдаги ҳаёти” деб таъриф берилиши ҳам бежиз эмас.

Чунки, инсон учун никоҳ энг олий қадрият саналади. Ислом дини шарият никоҳи билан турмушдаги ахлоқий таназзулга барҳам берди. Турмушдаги ислом никоҳи маиший турмушда ҳалоликни таъминлади. Никоҳ билан оилада ҳалол турмуш тарзи шакллантирилди. Абу Райхон Берунийнинг “Эй, қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у осмон бўлади. Сен

²⁷ Сўфи Оллоёр “Саботул-ојизин” www.ziyouz.com. 8-саҳифа

у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби, у ҳам ўз меҳр-шафқати билан сени хушнуд этади.Эринг сендан ширин ва юмшоқ сўзлар эшитсин. Ярамайдиган ёки эски либосда, ёки сочларинг тартибга солилмаган ҳолда, унинг олдига ўтирма. Ширин сўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир. Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзинга хушбўй нарсалар билан оро бер. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин”²⁸деган фикрлари бугун ота-оналар ва жамият учун тарбия тамойилдир. Бугунги кунда турмушда никоҳ билан бўлган зиддиятли ҳолатлар жуда ҳам кўп. Фуқаролик ишлари судларида бу муаммо жуда кўп тортишувларга олиб келмоқда, Шу ўринда қўйидаги статистик ахборотларнинг таҳлилига тўхталиб ўтиш ва уни баргараф этиш бўйича баъзи бир хулосаларни баён этишни лозим топдик.

“Республикамизда 2017 йил 306197 та никоҳ қайд этилган бўлса, ўша йили оилавий ажримлар сони 31929 нафар (10,4%), 2018 йил 311379 та никоҳ қайд этилган бўлса, оилавий ажримлар эса 32326 нафар (10,3%), 2019 йил 310899 та никоҳ қайд этилган бўлса, оилавий ажримлар эса 31389 нафар (10,1%), 2020 йил эса 296751 та никоҳ тузилган бўлса, оилавий ажримлар сони эса 28233 нафарни (9,5%) ташкил қилмоқда”²⁹.

Турмушда никоҳ исломда шариасти талаби билан дунёвий давлатларда эса қонунлар билан тартибга келтирилгани маълумдир.Ўзбекистон дунёвий давлат,қонунчилигимизда никоҳ масалалари “Оила кодекси” билан тартибга солинган.Ўзбекистон аҳолисининг қарийиб 93% кўпроғини ислом динига эътиқод қиладиган мусулмонлар ташкил этади.Бугун ислом дини ва унинг таълимотларини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилаётган ва турмушда “инсон,жамият ва давлат” тамойили фалсафаси руёбга чиқарилаётган бир даврда оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммо мавжудлиги жамиятшунос олимлар ва имомлар олдида унинг ечимини топишга қаратилган ижтимоий

²⁸ Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқларидан қолган ёдгорликлар.-Т.: 1987.

²⁹ O'zbekiston Respublikasi Davlat statistikasi qo'mitasi "Ochiq ma'lumotlar" Demografiya.Stat.uz

индикаторни топишни тақозо қилмоқда. Турмушдаги ислом ва унинг маиший ҳаётга таъсирини ўтказадиган ақиқа, намоз, рўза, закот, ҳаж, рамазон ва қурбон ҳайитлари аҳамиятини бугун янгича тамоийил билан ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда Чунки, яқин ўтмишимизда бу турмушдаги ислом урф-одатлари, маросимлари, анъаналари ва байрамлари ноҳолис ўрганиб келинди.

Турмуш ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим томонидир. Соғлом турмуш инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ва маънавий-ахлоқий ва сиёсий соҳада фаоллигини таъминлайди. Лекин бугунги глобаллашув, миграция, сунъий интеллект, пандемия, одамларнинг моддий нарсаларга нисбатан эҳтиёжининг сурункали ошиб бориши ва маънавий нарсаларга нисбатан ўғайлик нигоҳи жамиятшунос олимлар билан диний уламоларнинг ҳамкорликда тадқиқот олиб боришни кун тартибига чиқармоқда.

Хусусан, ислом дини урф-одатлар, маросимлари, анъаналари ва байрамлари ва дунёвий урф-одатлар, маросимлар, анъаналар ва байрамлар бир-бирини аслида бойитада ва жамиятда инсонларнинг ҳаётида соғлом турмушни шакллантиради. Демак, жамиятшунос олимлар ва диний уламолар шундай илмий тадқиқот натижалари билан одамларни эргаштиришса жамиятда соғлом эътиқод пайдо бўлади. “Ҳозирги кунга келиб, дин ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилига айланди, у ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини сақлаб қолди. Зеро дин ҳамиша ахлоқон етук бўлган комил инсон тарбиясида асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда”³⁰. Турмушдаги исломда динийлик ва дунёвийликни ўрганиш ва одамларни ишонтира олиш комилликни таъминлашнинг дастлабки манбасидир.

³⁰Мажитов М.Жаҳон динлари ва умуминсоний кадрятлар.”Ўзбекистон халқаро ислом академияси”НМБ:Тошкент-2019 32-саҳифа

7-§. ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятда соғлом дунёқарашни шакллантириш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қайд этилган. Бунинг учун эса оила, таълим муассасаларининг барча бўғинларида, маҳаллаларда маънавий тарбияга алоҳида эътибор бериш ва ҳозирги трансформацион жараёнлар билан уйғунликда маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Жамият тарихининг ҳамма даврларида маънавий тарбия масалаларига давлат ва унинг раҳбарлари, олим ва мутафаккирлари эътибор бериб келганлигига ноёб тарихий ҳужжатлар ва асарлар гувоҳликлик бериб турибди. Айниқса, шарқ давлатларининг мусулмонлар дунёсида маънавий тарбия учун она, ота, муддарис, ўқитувчи, зиёлилар ва давлат ўзини доимо маъсул деб билган. Чунки, давлатнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий фаровонлиги фуқароларининг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам шарқда фозил жамият ва комил инсон ҳақидаги ғоялар бежизга пайдо бўлмаган. Ҳозир дунё давлатлари сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида жуда катта трансформацион жараёнлар бошланиб кетди. Иқтисодиёт ҳамиша сиёсат ва мафкурадан ҳоли деб келган ғарб давлат раҳбарлари бугун идеологияга устунлик бермоқда. Мулкчилик шакллариға ёки спортга, умуман халқ хўжалигининг барча тармоқларига мафкуранинг таъсирини постиндустриал жамиятлар сиёсатидан кўриб турибмиз. Дунё харитасида давлатлараро муносабатларнинг янги бир шакли вужудга келмоқда. Бу жараёнлар маънавий тарбияга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси, бозор тамойилларига асосланган кучли

иктисодиёт. Иккинчиси, аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият” деб айтган назарий фикрлари халқаро ҳаётда ўз исботини топмоқда.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарларида маънавий тарбия тамойиллари жамият тараққиёти учун нақадар аҳамиятли эканлиги бир-бир санаб ўтилган. Бу тамойиллар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, бу асарлардаги маънавий тарбияга оид назарий хулосаларни чуқурроқ ўрганиб жамиятга содда ва халқчил қилиб тушунтиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Абу Наср Форобийнинг шаҳарга ҳоким ёки имом бўладиган шахснинг ўн иккита фазилатдан биттаси шахснинг жисмоний соғлом бўлиши айtilса, қолган ўн бирта фазилат эса маънавий тарбия билан боғлиқ тамойиллар ҳақида фикрлар баён этилган. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот –ё ҳалокат, ё саодат ё-фалокат масаласудир” хулосалари оилада она-ота учун ҳам, таълим муассасасида мударрис-ўқитувчи учун ҳам, давлат муассасида эса давлат хизматкорларининг кундалик дастурамалига айланишини ҳаёт тақоза қилмоқда. Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва Абдулла Авлонийларнинг фалсафий фикрларига уйғун бир ҳолатда мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Нажот мактабда, нажот тарбияда, нажот билимда”[3] деган янги фалсафий маънавий-ахлоқий тарбия тамойили янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдевори яратилаётган даврда барча фуқаро ва зиёлилар учун мотивация бермоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, фалсафадан бегоналашув ижтимоий ва маиший турмушда ёшлар ҳаётига қандай салбий таъсир ўтказаятганлигини ёшлар турмушида ва жамиятда рўй берган рақамли ҳисоботлар билан қиёсий таҳлилга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Тузилган никоҳлар сони (жами)

(Ўзбекистон)

1-жадвал

Т/р	Худуд	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	Жами
1.	Ўзбекистон	306197	311379	310899	296751	305211	1530437

**Никоҳ девальвацияси(қадрсизланиши)
Никоҳдан ажралишлар сони(жами)**

2-жадвал

Т/р	Худуд	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	Жами
1.	Ўзбекистон	31929	32326	31389	28233	39349	163226

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда бир миллион беш юз ўттиз минг тўрт юз ўттиз етти минг нафар ёшларнинг никоҳ тўйлари бўлган бўлса, шу йилларда никоҳдан ажралишлар сони эса бир юз олтимиш уч минг икки юз йигирма олтитани ташкил қилмоқда. Турмуш қурган ёшларнинг 10,6 фоизи суд орқали никоҳини бекор қилган.

**Жиноят содир этган эркак ва аёллар сонининг жиноят турлари
бўйича тақсимланиши
(2020 йил)**

3-жадвал

Т/р	Жиноят турлари бўйича тақсимланиши	эркак	аёл
1.	Қасддан одам ўлдириш	404	41
2.	Баданга қасддан оғир жароҳат етказиш	1139	86
3.	Товламачилик	156	44
4.	Номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш	217	0
5.	Ўғирлик	4917	637
6.	Талончилик ва босқинчилик	685	43
7.	Фирибгарлик	5496	1109
8.	Безорилик	1922	151
9.	Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар	3151	110
10.	Иқтисодий асосларига қарши жиноятлар	6464	1050
11.	Бошқа турдаги жиноятлар	18921	2503
	Ҳаммаси	43472	5774

Юқоридаги жадвалларда келтирилган никоҳнинг девальвацияси (кадрсизланиши) ёки жамиятда эркак ва аёллар содир этаётган жиноят турлари таълим муассасаларида ва меҳнат жамоаларида маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларнинг ҳали заиф эканлигидан далолат бериб турибди. Чунки, турмуш кураётган ёшлар маҳр ҳақи, никоҳ шартномаси, турмушда аёл ва эркакка ислом динида ёки оила кодексида қандай вазифалар қўйилган десангиз ҳеч нарса билмаслигига гувоҳ бўласиз. Ота-оналар фарзандларининг ўқишига кириши учун йиллар мобайнида репетиторларга пул тўлаб тайёргарлик кўришига шароит яратиб беради, лекин фарзандини турмуш куришга тайёрлашга эътиборсиз қарайди. Шунинг таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлар ўқув адабиётлари ва фан дастурларини тузишда жамият турмушида вужудга келаётган глобал маънавий-ахлоқий ва маърифий жараёнларга ҳамда одамлар дунёқарашини ижобий томонга ўзгартиришга, эҳтиёж талаб қилаётган мавзуларни киритиш долзарб бўлиб турибди.

“Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”[5] қарор қабул қилган эди.

Жамият барча соҳаларида рўй бераётган трансформацион жараёнлар туфайли янги Ўзбекистон жамиятида ёшларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, маъсулиятлиқ, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш ва меҳнатсеварлик каби маънавий ахлоқий фазилатларн ёшларда шакллантириш энг муҳим вазифа этиб қўйилди. Бу маънавий ахлоқий фазилатларнинг илмий асосланган индикаторини ишлаб чиқиш ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиларининг вазифаси бўлиб қолмоқда. Инсон тафаккури борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг меъёрларини билиш учун жуда кўп ўлчов индикаторларини кашф қилган. Жумладан, оғирликни билиш учун грамм, килограмм, тонна, узунликни ўлчаш учун эса миллиметр, сантиметр, метр, километр,

олимларнинг рейтингини аниқлаш учун хирш индекси, ўқувчи ва талабаларнинг билим даражасини аниқлаш учун беш, юз балли ёки кредит-модуль баҳолаш тизимларини кашф қилди.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида қўйилган ўнта маънавий ахлоқий фазилатлар индикатори жамиятда борми ёки уни кашф қилиш керакми? Бор бўлса ёки кашф этилса бу индикатор ток кучланишини ўлчайдиган индикаторлардан қайси жиҳати билан фаркланади деган савол пайдо бўлади. Юқорида келтирилган ўлчов бирликлари ёки индикаторлар ҳам инсоният тафаккури маҳсулидир. Лекин, инсон ўзининг маънавий-ахлоқий фазилатларини ўлчайдиган индикаторни ҳали кашф қилмади. Кашф қилса, у қандай бўлади деган савол кейс-стадий бўлиб турибди.

Бу илмий асосланган индикаторларни кашф қилишнинг мураккаблиги шундаки, улар ёшларнинг ёш даврига нисбатан ёндошув асосида шакллантирилиши талаб этилмоқда. Биринчи босқич оилаларда, икки давр асосида, яъни ҳомила даври ва иккинчи давр бу бола туғилганда то уч ёшгача бўлган даврдир. Иккинчи босқич мактабгача таълим уч-олти(етти) ёшгача бўлган даврдир. Учтинчи босқич умумий ўрта таълим тизимида, икки даврда етти(олти)-ўн ёш, бошланғич синф. Иккинчи давр эса ўн бир-ўн етти ёш, ўрта ва юқори синф даври. Тўртинчи босқич ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар.

Шунингдек, ўрта махсус касб ҳунар ва олий таълим муассасалари тизимида икки даврда, яъни ўрта махсус касб ҳунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар ўн етти-ўттиз ёш, иккинчи давр ўрта махсус касб ҳунар ва олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари ўн беш-йигирма тўрт ёш. Демак, бу жараён ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, профессор-ўқитувчи, зиёлилар ижтимоий қатламининг кретив ва инновацион ҳамкорлигига эҳтиёж сезмоқда. Ҳар бир босқич ва давр учун узлуксиз маънавий тарбия концепциясида кўрсатилган йўналишлар бўйича маънавий индикаторга оид адабиётлар тури яратилиши керак. Узлуксиз маънавий тарбия йўналишлари учун индикатор бу

амалиёт ёки ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, профессор-ўқитувчи, зиёлилар ижтимоий қатламининг шахсий амали, фаолиятида ёшларга намуна бўладиган феъл-атвори, одоби, хулқи ва ахлоқидир.

Бу талабларни бундан юз йиллар илгари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидхоновларнинг асарларидан ҳам топишимиз мумкин. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг “Тарбиянинг замони” бўлимидаги шарқ фалсафасининг ҳикматли фикрларини фалсафа дарсларида ёшларга атрофлича тушунтириш лозим. Умуман бугун фалсафа ўқув адабиёт турларини ғарб фалсафасидан ажратиб олишга жамиятимизда эҳтёж бор.

Чунки, Ўзбекистонга келаётган хорижлик туристлар миллий менталитетимизга хос бўлган урф-одат (расм-русм), маросим, анъана, қадриятлар ёки шарқ меъморий ёдгорликларини кўраман деб келади. Кўп қаватли уйлар, кенг асфальт йўллар, синтетик гиламлар, замонавий либосларни томоша қиламан деб келмайди. Шундай экан, ўзбек миллий фалсафаси ўқув адабиётлари турларида ҳам миллат фалсафаси уфри келиб туриши шарт. Ғарб ёки рус адабиётларидан зўрма-зўраки таржима қилиб олинган фалсафа ёки бошқа ижтимоий-гуманитар фан адабиётлардан аста секинлик билан халос бўлиб бориш вақти келди.

Фалсафа ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларга ислом динининг назарий манбаси бўлган Қуръони карим, ҳадислар, шарқ дунёси, хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари асарларидаги ҳикматли фикрларни ёшларга тушунтириш ҳамда аудиториядан ташқари мустақил таълим шаклларида улардан тўғри фойдаланиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхатини қайта тафтишдан ўтказиш лозим. Кейинги йилларда янги чоп этилаётган баъзи фалсафа ва ижтимоий-гуманитар адабиётларда ўзбек миллий фалсафасини яратишга уринишлар бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа комил инсонни тарбиялашга хизмат қилиши кераклиги ҳеч кимга сир эмас. Нима учун маънавий ахлоқий етук ва комил инсонни тарбиялашга хизмат қиладиган фанда аввало, нафс

мартабалари тарбияси хақида гапириш мумкин эмас. Нафс мартабалари тарбия босқичларини дунёвий таҳлил қилиб берса ёшларда ҳам фанга қизиқиш ортади. Энг муҳими, ёшлар эртага ҳаётга тайёр бўлиб боради. Олий ўқув юртларида фалсафа фанига нисбатан дунёқараш ҳам ижобий томонга ўзгаради.

Умумун, ижтимоий-гуманитар фанлар дарсликлари ва фан дастурларидаги мавзуларни жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб ва келажакни инобатга олиб қайта кўриб чиқиш лозим. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг тегишли бўлим маъсуллари бу соҳа бўйича танлов ташкил қилиб моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини йўлга қўймаса ўқув адабиётлари яратишда ё монополия ё заиф, плагиат ўқув адабиёт турлари чоп этиш давом этаверади. Бу эса ёшларнинг ижтимоий-гуманитар фанлардан хусусан, фалсафадан бегоналашувига олиб келаверади. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун эса Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфидаги Фалсафа илмий тадқиқот институтини қайта тиклаш лозим бўлади.

Дунёда ва одамлар турмушида рўй бераётган трансформацион ҳодисалар турмушга ижобий ёки салбий таъсир қилиши бу табиий жараён дир. Салбий омилларни пасайтиришнинг ягона йўли ижтимоий-гуманитар фанларга, хусусан фалсафага эътиборни кучайтириш керак. Чунки, фалсафа бу дунёқараш, фалсафа эътиқод, фалсафа орқали диний ва дунёвий турмуш тарзини тушунтириш мумкин. Бунинг учун эса аввало фалсафанинг янги дастурини, сўнг эса дарслигини яратишга жамиятда эҳтиёж сезилмоқда. Фалсафадан дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг фикри, сўзи ва амали тингловчилар учун ҳикмат бериши лозим. Ижтимоий-гуманитар фанлар бошқа табиий-техник ва аниқ фанлардан фарқ қилишини инобатга олиб кредит-модуль тизими бўйича алоҳида баҳолаш, мустақил иш ва топшириқлар шакли бўйича низом ҳам қабул қилиш вақти келди.

8-§. ТАЪЛИМ БОЗОРИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ СОЦИАЛ “ТОВАР” СИФАТИ

Мамлакатимизда таълим бозори шиддат билан ривожланиб бормоқда. Таълим бозорининг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида ибратли ишлар рўёбга чиқарилди. Таълим бераётган ва таълим олаётган кадрлар учун ўқув-меъёрий ҳужжатларни халқаро андозаларга мослаштириш борасида ҳам узлуксиз ишлар давом эттирилмоқда. Ўзбекистон таълим бозорини мактабгача, умумий ўрта, профессионал, олий таълим, илмий тадқиқотлар ва малака ошириш таълим бозорлари ташкил этади. Бу таълим бозорларида инсон капитали учун жуда катта маблағлар ажратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғояни бежизга таъкидламади. Бу ғоя таълим бозорида меҳнат қилаётган ўқитувчиларга жуда катта масъулият юкламоқда. Ўқитувчи энди дипломдаги таълим соҳасидаги маълум бир фан бўйича ўқитувчилик қилиши эмас, балки шу соҳанинг ўқитувчиси мақоми даражаси учун тинимсиз ўз устида ишлаши керак бўлаяпти. Яъни ўқитувчиликни мақом даражасига олиб чиқиши лозим.

Агар мусулмонлар тарихига мурожаат қилсак, мусулмон умматлари доимо илмни ўқитувчи (мударрис)дан ўрганиб келган. Китоб ёки қоғоздан илм ўрганиш макруҳ саналган. Мусулмонларнинг илоҳи китоби Қуръони Каримни Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Жаброил алайҳиссаломдан ўрганган ва ўз навбатида Аллоҳнинг бу каломини умматларига ўқитган ҳамда ўргатган. Ўқитувчилик мақомига машаққатли меҳнат эвазига эришилгани учун ҳам Аллоҳи таоло ўз каломида “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур”. Муҳаммад алайҳиссаломдан олим кишининг бир кунлик ибодати илмсиз обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг экани, қиёматда илм шафоат қилиши, агар у таълим берса, Ер ва Осмонлардаги барча жонзот Аллоҳдан унга мағфират сўраши ва бошқа кўп башоратлар саҳиҳ ҳадислар орқали ривоят қилинган. Тарих шоҳид ислом пайдо бўлгач, ундан кейинги икки юз йил ўтгач таълим тез ривожланиб

кетди. Таълимнинг бундай тез ривожланиши жамиятда ўқитувчи ва унга жамиятда берилган мақом муҳим аҳамият касб этди.

Илм ўрганиб устозлик мақомига эришиш учун имом Бухорий ва имом Термизийлар йигирма йиллаб хорижий юртларда таълим олади ва ватанига ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб қайтади. Исломдан аввалги давр ҳақида маълумот берувчи манба Абул Фараж Исфажонийнинг “Китабул Ағоний” асари саналади. У кишининг асарлари 20 жилддан иборат бўлиб “Ағоний ул-Кабир (Қўшиқлар катта китоби) номи билан машҳур. Бу манбада ҳам исломдан аввалги даврни жоҳилият даври деб аташади. Маълумки, Европада ҳам черков даврини уйқудаги давр деб номлашади.

Қачонки ислом пайдо бўлиб бошқа ўлкаларга тарқалиб, маълум давр ўтгач турли ҳудудларда ўйғониш даври пайдо бўла бошлади. Айниқса бу Шарқ мамлакатларида яққол кўзга ташланди. Илм-фандаги янгиликлар ғарб дунёсига ҳам таъсир ўтказди. Тарихда буни даврни французча “Renaissance”, яъни ўйғониш маъносини беради. Мовароуннаҳрда ўйғониш даври икки босқичда ўрганилади. Биринчи босқич бу 9-12 асрларни ўз ичига олса, иккинчи босқич эса 15-16 асрларни қамраб олади.

Бу даврдаги илм-фан тараққиёти ҳақида ва Мовароуннаҳрлик мутафаккирларнинг унга қўшган ҳиссалари тарихий манбаларда жуда кўп маълумотлар келтирилган. Мовароуннаҳрда учинчи ренессансни XX аср бошларида жаид-маърифатпарварлари бошлаб берди-ю аммо большевиклар мафкураси ва унинг қатоғон мафкураси буни амалга оширишга йўл қўймади. Бундан бир юз саккиз йил аввал ёзилган Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарининг “Тарбия замони” бобини ўқиган киши жаид-маърифатпарвар олимларимизнинг тафаккурига қойил қолмасдан иложи йўқ. Ушбу бобни Абдулла Авлоний қўйидаги фикрлар билан хулосалайди. “Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидур. Расули акрам набийи муҳтарам саллолоху алайҳи вассалам афандимиз: инсонларнинг карами динидадур, муруввати ақлиндадур, ҳасаби ахлоқиндадур”. Абдулла Авлонийнинг бундай хулосага

келишига нима сабаб бўлди? Чунки, XX аср бошларида оилада фарзандга она тарбиясининг ғариблиги, ота тарбиясининг заифлиги, муаллим тарбиясида ўзи муаллимнинг методикани билмаслиги, мударриснинг эса манфаати ош бўлгани учун фарзандларимиз ҳукумат мактабидан зарур билимларни ололмаганлиги учун куюнади.

Шундай даврда яна бир жаид-маърифатпарвар имомимиз Маҳмудхўжа Бехбуий эса ёшларга қарата бир неча мурожаат қилиб, араб, форс, турк ва рус тилини мукамал ўрганишга даъват қилган эди. Бу миллий уйғониш ғояларидан ҳадиксираган большевиклар идеологияси жаид-маърифатпарварларининг шахсий ҳаётларига суиқасдлар ташкил этиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйди. Натижада бунда илм-маърифат зарар кўрди. Маҳаллий халқларнинг миллий уйғонишига тушов бўлиб турди. Бу жараёнларни ва жаид – маърифатпарвар олимларимизнинг тарихини ўрганган тадқиқотчилар манбаларида батафсил маълумотлар келтирилади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Минг афсуски, жаид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жоҳил кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди” деб таъкидлаган эди. [4] Бугунни яхшироқ билиш учун бир оз ўтмишни эсладик, холос.

Бугун илм-маърифат ҳам келажак авлод тарбияси ҳам ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг тўрт мучаси соғлом бўлиши ва маънавий жиҳатдан камол топиши учун бу соҳа инсон омили ва унинг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқ бўлгани учун катта маблағлар ажратилмоқда. Хўш, таълим тизимимиздаги ҳолат ёки манзара қандай? Маълумки, мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўқитувчиларга тоифалар бериб борилади. Яқинда шу соҳа бўйича халқ таълими вазирлигининг

статистик маълумоти тарқатилди. Республикада ўқитувчиларнинг тоифаси бўйича тақсимотининг таҳлили қўйдагича экан.”Олий тоифалилар 3%, биринчи тоифалилар 11%, иккинчи тоифалилар 23%, тоифасизлар 48%, ўрта махсус маълумотлилар эса 15% ни ташкил этмоқда”. [5]

Давлат томонидан ўқитувчиларга яратилаётган мотивацияга қарамай юқори тоифаларга интилиш суст бўлиб қолмоқда ёки билим даражаси соҳаси бўйича паст бўлгани учун мақомини ҳимоя қилолмаётди. Бу эса ўз навбатида мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига киришига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари тезкор маълумотлар таҳлили қўйдагича бўлди. Республика бўйича 2020 йил битирувчилар сони 449861 нафар, шундан олий таълим муассасаларига кирганлар сони эса 70418 нафар, бу 15,7% ташкил этмоқда. Республика ҳудудлари кесимида энг юқори кўрсаткич Навоий (29,8%) 1-ўрин, ва Тошкент шаҳри 2-ўрин 26,6% га тўғри келмоқда.

Энг паст натижаларни эса Самарқанд (10,0%) 14-ўрин ва Қашқадарё 13-ўрин (10,9%) вилоятлари бермоқда. Сурхондарё вилоятида эса бу кўрсаткич бўйича 11-ўринда (12,9%) ташкил қилди. 2019 йилга нисбатан +4,3% ўсди. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб халқ таълими вазирлиги томонидан мактаблардаги педагоглар фаолияти қизил ва яшил категорияларга ажратилди. Мактабларда малакали ўқитувчиларга талаб юқори, чунки ота-оналар ҳам фарзандларининг шундай ўқитувчилардан сабоқ олишини талаб қилмоқда.

Мактаблардан ташқарида репетиторлик ўқув курсларининг мавжудлиги бу умумий ўрта таълим тизимидаги ўқитишдаги заиф нуқталарнинг мевасидир. Агар мактабларда фан ўқитувчилари ўз соҳасининг етук мутахасиси бўлиб дастурда берилган билимларни ўқувчига етказиб берганда эди, ота-оналар қўшимча харажат қилиб репетитор излаб юрмас эди. Юқоридаги статистик таҳлиллардан билиниб турибдики, халқ таълими тизимидаги ўқитувчиларнинг 14% интеллектуал социал “товар” сифатида эъзозга лойиқдир. Қолган 86% ўқитувчилар билан малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими структураси шаклларида фойдаланиб янги методика (учинчи ренессанс пойдевори

талабига мос) асосида ўқитишга эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун эса янги ўқув режа ва дастур ишлаб чиқиш керак бўлади.

Асосий жамиятга интеллектуал социал “товар” етказиб бераётган учинчи таълим бозорида етакчи хорижий таълим муассасаларининг 29 та филиаллари, 58 та қўшма дастурлар асосида 8124 нафар квоталарнинг ажратилиши ҳамда нодавлат олий таълим муассасалари ва уларга давлат квоталарининг ажратилиши бу бозорда аста секинлик билан рақобатни вужудга келтиришга хизмат қилади. Республика олий таълим бозорида бугун 122 та олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда.

Бу олий таълим муассасаларида классификаторга мувофиқ 7 та билим соҳаси бўйича 300 та бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 570 та мутахасисликларда 500 минг нафар талабаларга 29998 нафар профессор - ўқитувчилар дарс беришмоқда. Илмий-педагогик салоҳият 2016 йил 31,9 % бўлса, бугун эса 38% ташкил этмоқда, ўсиш +6,1 тенг. Олий ўқув юртларидаги илмий педагогик салоҳият охириги уч йилда бирмунча жонланди. Хусусан 2020 йил 1252 нафар профессор-ўқитувчи фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) даражаси учун диссертацияларини ҳимоя қилди. Бу таълим бозорида битирувчиларнинг, яъни ишлаб чиқаришга ва халқ хўжалигининг турли тармоқларига бораётган кадрларнинг сифати қандай деган савол бугун ҳеч ким жавоб беролмайди. Бунинг мониторинги ҳам йўқ. Фақат олий таълим муассасалари ректорлари рақамлар сони билан фахрланиб юрибди. Квотанинг ошгани ва кундузги, кечки, сиртки ҳамда қўшма дастур бўйича ўқув шаклини очдим деб мақтаниш бу жараёнинг шакли, холос.

Ваҳоланки, ўқув жараёнинг мазмуни яхшиланса кадрлар сифати яхшиланиши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Бугун олий таълим битирувчиларига нисбатан халқ хўжалиги тармоқлари раҳбарларининг эътирози каттадар. Чунки, деярли олий таълимда дуал таълим ривожланмаяпти. Олий таълимда дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг ўз соҳаларида иш тажрибаси кам. Ишлаб чиқаришдаги энг янги технологияларни деярли билмайди. Билганлари ҳам ижтимоий тармоқлардаги назарий фикрлар билан

чекланиб қолмоқда. Шунинг учун давлат томонидан катта сарф-харажатлар билан келтирилган лабораторияларни ишга тушириш ва талабалар фойдаланиши учун бириктиришда муаммолар пайдо бўлмоқда.

Олий таълимда профессор-ўқитувчиларнинг фан дастури ва унда қўйилган давлат талабларнинг аудиторияларда ва аудиториялардан ташқарида талабаларга қандай етказилаётганлигини қатъий мониторинг қиладиган вақт келди. Чунки, шундай қилмаса кадрлар сифати яхшиланмайди. Иккинчидан эса профессор-ўқитувчиларни моддий-маънавий рағбатлантириш ёки устама ҳақ белгилашда ёки давлат мукофатларига тавсия этишда дарс бериш методикасини албатта ҳисобга олиш лозим. Чунки таълим тизимида хоҳ назарий хоҳ амалий ёки семинар, лаборатория машғулоти бўлсин методикадан хабарсиз муаллим дарси бесамара бўлади. Бу соҳадаги кўз илғамас коррупцион ҳолатларга чек қўйиш лозим.

Жамоатчилик коррупцион схемаларни барибир ўзаро мулоқотларда бири-бирига айтади. Бу эса дарс беришга нисбатан иштиёқни сўндиради. Пандемия ва унинг социал оқибатлари таълим тизимидаги бозорларга ниҳоятда сифатли интеллектуал салоҳиятли “товар” чиқаршни талаб қилмоқда. Таълим бозорида маҳаллий ишбилармон тадбиркорларнинг иштироки ва уларга ҳуқуқий ваколатлар берилиши кадрлар тайёрлаш сифатига ижобий таъсир қилиши сир бўлмай қолди. Аксинча, таълим бозорида адолатли, ҳалол рақобат пайдо бўлади. Бугун дунё таълим бозорида иштирок қиладиган миллиардер тадбиркорларнинг китобларини ва улар ҳақида ёзилган асарларни она тилимизга таржима қилиб маҳаллий тадбиркорларга ҳам етказиш ва ўқитиш вақти келди.

Чунки, бугун дунё халқлари америкалик тадбиркор Илон Маск ва у раҳбарлик қиладиган кампанияларнинг онлайн тўлов тизими, автомобиль ва энергия саноати ҳамда фазо индустриясида амалга оширадиган инқилобни ҳайрат билан кузатиб турибди. Тадбиркорларнинг таълим бозорига кириб келиши ва уларга давлат томонидан ҳуқуқий ваколатлар берилиши соҳаси тадбиркор Илон Маск лабораторияси дунё давлатлари учун намуна бўлади. Мамлакатимизда таълим бозорига тадбиркорларни жалб қилиш йигирма

йиллар кечикди. Чунки, мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзига тўқ кишилар хусусий олий таълим муассасалари ташкил этила бошлаганда уларнинг фаолияти дарров тўхтатилгн эди. Бугун тадбиркор Илон Маск лабораториясида дунёнинг 4000 яқин энг сара олимлари IT соҳаси бўйича ишлаётган экан.

Бизнинг олий таълим муассасаларимизда баъзи ҳолатларни кузатиб, устоз муаллимларнинг шогирдига қўяётган талаби ва тингловчи талабаларимиз берган саволларнинг нақадар заифлигини сезиб, бундай ҳолатларга қачонгача давом этиши мумкин деб ўйга толасан. Ҳижоб диний либосми ёки йўқми, соқол қўйиш, жума намози, дунёвий илм ёки диний илм фарзми, ўғил ва қиз болаларни ажратиб ўқитишга оид берилаётган саволлар XX асрнинг 80-90 йилларида кўтарилган эди. Бугун таълим муассасаларида бу масала яна такрорланиши эса дунёқарашимизда ҳали заиф нуқталар кўплигидан далолат беради.

Шу ўринда, ҳам дунёвий ҳам диний олий таълим муассасалари талабалари мантиқ фанига эҳтиёж сезилаётганлиги маълум бўлмоқда. Чунки, туман ва вилоят бош имомлари, ноиб имомлар, отиноийлар ва тарғибот гуруҳ вакиллари ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги малака ошириш маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилояти минтақавий филиалларида раддия бериш бўйича малака ошириш курсидан ўтмоқда. Раддия бериш ва фикрни аргументлаш мантиқ фани объекти саналади. Шу курс тингловчилари учун тайёрланган ўқув режага мантиқ фанининг раддия ва аргументлаш мавзулари бўйича семинар- тренинг машғулотини киритиш лозим.

Бундан ташқари дунёвий олий ўқув юртларида мантиқ фани фалсафа фани таркибига қўшилиб икки соат маъруза ажратилган. Икки соат маъруза ёки икки соат семинар дарсида раддия бериш билими ва кўникмасини ўргатиш анча мушкул ишдир. Шарқ фалсафасида хусусан, ислом фалсафасида ҳам мантиқни ўрганиш қадимдан буюк мутафаккирларимиз ўқиган мактабларнинг ўқув дастури эътиборида бўлган. Акс ҳолда улар буюк юнон файлсуфларининг

асарларига раддия беролмас эди. XXI аср бошларига келиб бу фанга соҳа вазирлигининг тегишли бошқарма мутахассисларининг ва таянч олий ўқув юртларининг лоқайдлиги туфайли эртага тайёрлаётган мутахассисларимиз тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш, таффақкур қонунлари, раддия, исботлаш каби мантиқ илмидан беҳабар бўлиб чиқади ва маълум бир вақт ўтган дан сўнг эса ўзи ўқимаган фан бўйича яна малака ошириш ташкил этаверамиз.

Ижтимоий тармоқлардаги бизнинг фалсафий дунёқарашимизга ва ислом дини фалсафасини нотўғри талқин қилаётган фикр эгаларига раддия бераётган олим ва имом домиллаларимиз бармоқ билан санарли ҳолатда эканлиги буни исботлаб турибди. Акс ҳолда яна буюк мутафаккир боболаримиз мероси билан фахрланиб юриб, ўзимиз шу меросга муносибмизми, уларнинг кашфиётларини ким давом эттираяпти деган саволларга жавоб беролмай қоламиз. Дунёни энг сўнги ахборот технологиялари асосида интеллектуал салоҳиятли кадрлар бошқариши сир бўлмай қолди.

Мамлакатимизда ташкил этилаётган Президент университети, нодавлат олий таълим муассасалари ва президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар бу миссияни бажаришни таъминлашга ишонч мавжуд. Чунки, шу вақтгача мавжуд олий таълим муассасаларида тайёрланаётган бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларида ўзаро рақобат шаклланмади. Республикада бир йўналиш ёки мутахассислик бўйича бир нечта олий таълим муассасалари кадр тайёрласа ҳам улар ўртасида рақобат бўлмади. Бунинг сабаби эса ўқув режа ва фан дастурларининг ҳаддан ташқари марказлашуви, регионларни ва улардаги кадрлар салоҳиятини инобатга олмаслик, олий таълим кадрларини танлаш ва саралашда непозитивизм, протекционизм ва лоббизм унсурларининг сақланиб қолганлиги ҳалақит берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари” мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш

борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур” деб бежизга таъкидламади.

Бу ғоя таълим бозорига кадрлар тайёрлаётган таълим муассасаларининг интеллектуал социал “товар” тайёрлаш сифатига креатив ёндошувини талаб қилади. Бунинг учун эса таълим муассасаларидаги непозитизм, протекционизм ва лоббизм ҳолатлари билан ҳалоллик билан кураш олиб бориш керак бўлади. Акс ҳолда яна ҳеч нарса ўзгармай қолаверади. Бу унсурлар билан ҳозир кўпинча таълим муассасалари раҳбарлари оммавий ахборот воситаларида пиар қилиш орқали кураш олиб бормоқда. Реал ҳаётда ёки таълим бозоридаги бугунги ҳолат давлат талабларига жавоб бермайди.

9-§. ТИББИЙ ТАЪЛИМ ВА ФАЛСАФА

Давлат тараққиёти учун фуқароларининг жисмоний ва маънавий камол топиши ҳамма даврларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Шунинг учун жамият тарихининг ҳамма даврларидаги давлат шакллари ўргансангиз давлат раҳбарлари фуқароларининг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш учун давлат дастурлари қабул қилганига гувоҳ бўласиз. Ақлий меҳнат билан машғул бўлган олим, уламо ва зиёлилари эса фозил (фуқаролик) жамият ҳақида рисолалар битишган. Мифологик, диний ва фалсафий дунёқарашлар негизида ҳам аслида жисмоний ва маънавий комилликка интилиш туради. Ғарб ва Шарқ дунёси давлатлари тарихини қиёсласангиз жисмоний ва маънавий комилликни англашда тафовутлар борлигини кўришингиз мумкин.

Бугунги кунда ҳам бу давлатлар раҳбарлари, олим-у, уламо-ю ва зиёлилари дунёқарашларидаги жисмоний ва маънавий комиллик тушунчаларини қиёсий ўрганиб хулоса чиқарсангиз бунга яна бир қарра гувоҳ бўлишингиз мумкин. Шарқ давлатларида хусусан, мусулмонлар жисмоний ва маънавий комилликни нафс мартабалари ва уларни тарбиялаш билан боғлаб тушунтиришида жуда катта ҳикмат ва фалсафа борлиги бежиз эмас. Шарқда фалсафа деганда ҳикматни фикрларни тушунишган, шунинг учун бугун

фалсафани ғарб фалсафасининг догматик йўналишидаги мавзулари ҳамда дунёқарашидан аста-секинлик билан халос этиб бориш вақти келди.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистон стратегияси китобида миллий маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, ”чақирилмаган меҳмон” бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва онгига кириб келаётганлигидан ҳам кўз юма олмаймиз[1,б.268] деб таъкидланади. Бу каби зарарли ғояларга қарши маънавий вакцина каби дунёқарашни шакллантириш фалсафа фанининг энг замонавий долзарб вазифаси бўлиб турибди. Буюк мутафаккир олим Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, машҳур ўзбек маърифатпарвар шоири ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари ҳам фалсафий дунёқараш ва фаол фуқаролик жамияти позициясини эгаллашга ёрдам берадиган ноёб асарлар қаторига киради. Бу китоб ва асарларни қиёслаб анализ ва синтез қилиб ўргансангиз ҳамда хулоса чиқарсангиз замонавий фалсафий муоммоларнинг ечимига жавоб топасиз.

Кейинги йиллардаги олий ўқув юртлари ўқув режаларини таҳлил қилсангиз ижтимоий гуманитар фанлар хусусан, фалсафа фани ўқув соатлари қисқариб бораётганлигини кузатасиз. Бу табиий жараён. Чунки, ривожланган дунё давлатлари олий ўқув юртлари тажрибасидан келиб чиқиб мамалакатимизда халқ хўжалиги учун тайёрланаётган кадрларнинг сифатига мутахассислик учун қайси фанни ўқитиш кераклиги долзарб бўлиб турибди. Кадрлар тайёрлаш сифатига ёрдам бермайдиган ва мутахассислик учун аҳамиятсиз фанларни ўқув режадан чиқариб ташлаш ҳамда бўлғуси мутахассис учун энг муҳим замонавий, келажак учун хизмат қиладиган фанларни танлаш жараёни давом этмоқда.

Шундай жараёнда баъзи олий ўқув юртлари раҳбарлари узоқни кўра олмай оптималлаштириш баҳонасида ижтимоий гуманитар фанларни қисқартиришни ўзига мақсад қилиб олди. Баъзи олий ўқув юртида фалсафадек

хаёт учун зарур бўлган фанни ўқув режасидан олиб ташлаш ҳолатлари ҳам рўй берди. Бугун эса унинг салбий ижтимоий оқибатлари кадрлар турмушда намоён бўлмоқда. Яна бошқа олий ўқув юртларида эса фалсафага бошқа фанларни модул қилиб ўқитиш баҳонсида таркибига қўшиб қўймоқда. Айрим, мутахассисликларнинг ўқув режалари мажбурий ва танлов фанлари блокани кузатсангиз ёки ундаги фан дастурлари билан танишсангиз бугун ва эртага хизмат қилмайдиган фанлар турганлигига гувоҳ бўласиз. Шунинг учун фалсафа ва уни олий ўқув юртларида ўқитишни олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги билим ва таълим соҳасидан келиб чиқиб ўқитиш ва унинг дастурини тузиш ҳамда янги авлод ўқув адабиёт турларини ёзиш учун Ўзбекистон Фанлар академиясида таркибида Фалсафа илмий тадқиқот институтини қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, фалсафа дунёқараш, фалсафа эътиқод, фалсафа инсон, жамият, давлат тамойилини тушунтиришда ҳар бир кадр учун ҳаётий фан бўлиб қолаверади. Ҳар қандай етук, мутахассис кадр аввало у инсон, у ҳам жисмоний ҳам маънавий ҳам соғлом бўлиши ҳаёт зарурияти. Бу функцияни эса фалсафий дунёқараш шакллантириши ҳеч кимга сир эмас.

Пандемия моддий ва маънавий қадриятларга нисбатан дунёқарашимизни ўзгартириб юборди. Инсон ва табиат, жамият ва эътиқод масалаларида ўзаро уйғунликни таъминлаш тобора долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, инсон эътиқоди хоҳ дунёвий, хоҳ диний бўлсин унинг ижобий ёки салбий таъсири моддий ва маънавий қадриятларда ўз таъсирини қолдиради. Эътиқод тўғри шаклланган ва тарбияланган жамиятда инсон моддий ва маънавий қадриятлардан ўз турмушида улардан зийнат сифатида фойдаланади ва бидъатга ўралган қадриятлардан халос бўлиб бораверади. Айниқса, бугунги кунда ёшлар эътиқодини тўғри шакллантириш ва тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб бормоқда.

Эътиқодни тўғри шакллантириш ва тарбиялаш эса таълим тизими билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида бугунги кунда бир миллион нафарга яқин талаба-ёшлар таҳсил олмоқда. Уларнинг эътиқодини

тўғри шакллантиришда мутахассислик ва фалсафа фанининг ўрни бекиёсдир. Чунки, мутахассислик фанлари таълим соҳаси бўйича етук касб эгаси бўлиш кўникма, малака, компонентлигини шакллантирса, фалсафа эса бўлажак мутахассисда инсон, жамият, давлат муносабатлари ҳамда табиатни тушунишда тўғри дунёвий эътиқодни шакллантириб тарбиялашга йўналтиради. Айниқса, тиббий таълим соҳасида ўқитилаётган фалсафа фани ва унинг дастурини ислоҳ қилиш даври келди. Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги [2] буйруғининг олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида ўнта билим соҳаси берилган. Тўққизинчи билим соҳаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот деб номланади. Таълим соҳаси эса соғлиқни сақлашдир. Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидаги олий таълим муассасалари талаба-ёшлари учун “Тиббиёт фалсафаси” фанини ўқитиш эҳтиёжи сезилмоқда.

Барча тиббиёт соҳасидаги стоматология, даволаш иши, педиатрия иши, тиббий профилактика иши, ҳарбий тиббиёт, тиббий-биологик иш, фармация, саноат фармацияси, фармацевтик биотехнология, дори воситаларини стандартлаштириш, сертификациялаш ва сифат менежменти, халқ таъбири каби бакалаврият таълим йўналишларида “Тиббиёт фалсафаси” фанини ўқитишни 2022-2023 ўқув йилидан жорий этиш керак. Бунда асосий эътиборни тиббиёт фанининг жамият ҳаётида тутган ўрни, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, уларнинг олдини олиш ва даволаш имкониятлари, тиббий билиш ва клиник тафаккурни шакллантириш муаммолари, даволаш усулларида диалектик нуқтаи назардан классификация қилиш масалалари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш қонуниятларини очиш масалаларига қаратилиши керак.

Айниқса, бу соҳада диалектиканинг қонун ва категорияларини қўллаш билиш усуллари билан булғўси шифокорларни қуроллантириш жуда ҳам ҳаётий эҳтиёждир. Бунинг учун “Тиббиёт фалсафаси” фанининг ўқув дастурини тузиш ва шакллантириш лозим. Янги дастур борлиқ ва тиббиёт,

инсон ва тиббиёт, жамият ва биоэтика фалсафаси, тиббиёт дизайни, тиббиёт фалсафасида фан, дин ва соғлом турмуш тарзи, тиббиёт ходимининг касб этикаси ва маданияти каби мавзуларни қамраб олиши лозим. Чунки, Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги [3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида COVID-19 коронавирус пандемиясининг юзага келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳолининг соғлиги, жисмонан саломатлиги, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди деб таъкидланган.

Демак, соғлом турмуш тарзи учун аввало инсон жисмоний жиҳатдан сўнг эса маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб тарбияланишига эътибор шарқ фалсафасида азалдан мавжуд. Турмушда зарарли одоб, хулқ-атвор ва ахлоқдан холис дунёқарашни ёки эътиқодни шакллантиришда тиббиёт фалсафаси ва унинг таркибидаги мавзулар муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда шарқнинг машҳур файласуф олими ва мутафаккири Абу Наср Форобийнинг фозил шаҳар аҳолиси фуқароларининг тўрт мучали соғ-солим бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим. Аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим [4,б.159] деган ҳикматли фалсафаси “тиббиёт фалсафаси” фанининг асосий йўнлаишини белгилаб бериши лозим бўлади. Бу фикрларини давом эттириб Абу Наср Форобий яна ўн бирта фазилатни келтиради. Бу фазилатлар эса маънавий тарбия ёки тиббий фалсафа билан боғлиқдир.

Бугун Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўқув жараёнида катта ислоҳотларда амалга оширилмоқда. Ўқув режа ва ундаги фан блоклари таркибида қайси фанларни ўқитиш энг долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам олий таълимда фалсафа фани ва уни ўқитишга бугун янгича ёндошиш лозим. “Халқ хўжалиги иқтисодиёт тармоқларининг соҳаларини инобатга олиб кадрлар тайёрлашда “Фалсафа” фанини ўқитиш ишларини қўйидагича ислоҳ қилиш зарур. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидадаги ўнта билим ва йигирма олтита таълим соҳаси

эхтёжидан келиб чиқиб “Табиат фалсафаси”, “Техника ва инфор­мацион технологиялар фалсафаси”, ”Тиббиёт фалсафаси”, “Рақобат фалсафаси”, “Ҳуқуқ фалсафаси”, “Ахборот хавфсизлиги ва технологиялари фалсафаси”, ”Таълим ва тарбия фалсафаси”, ”Тарих фалсафаси”,”Сиёсат фалсафаси” каби фанларни бакалаврият таълим йўналишлари мажбурий фанлар блокига киритиш лозим”. [5]

Фалсафа фанини билим ва таълим соҳаларидан келиб чиқиб ўқитиш фалсафа ҳаёт билан боғланади. Кадрларни догматик дунёқарашдан халос этиб креатив ва инновацион фикрлашга ўргатади. Фан дастурларини фалсафанинг қонунлари ва категориялари, билиш назарияси, инсон, жамият, давлат тамойилларига таянган ҳолда тузиш лозим бўлади.

10-§. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ РЕСУРСЛАРИ

Янги қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси талабларини амалга оширишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 16 июлдаги 311-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий ресурслари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу янги ресурслар олий таълим тизимини дунё рейтингига юқори поғонани эгаллаб турган таълим муассасалари билан уйғун ривожланишни таъминлайди. Чунки, “Таълим тўғрисида”ги қонунда дуал таълимни ташкил этиш, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида эса олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “**Университет 3.0**” концепциясига босқичма-босқич ўтиш асосий вази­фа этиб қўйилди.

Биринчи янги ресурс, бу Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар. Бу ресурс билан 10 та билим ва 26 та таълим соҳаси тартибга солинди. Буни қўллаш бўйича 10 та бобнинг ҳар бирида бакалаврият ва магистратура жараёнига тааллуқли таърифлар

келтирилган.Энг муҳими бу ресурс 2011-2013 йиллардаги таълимнинг халқаро стандарт классификациясига мос келади. Ўқув режаларнинг мажбурий ва танлов фанлари блокига бўлиниши, амалиётларнинг 4 босқичда ўтказилиши ҳамда ўқув режа фанларини дунё рейтингида 500-1000 талик ўриндаги таълим муассасалари билан қиёсий ўрганиш орқали шакллантиришга имконият берди.

Иккинчи янги ресурс, бу Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидир. 10 та билим ва 26 та таълим соҳасидаги 308 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 588 та магистратура мутахассисликлари кодлари яъни,бакалавриат “6” рақами билан магистратура эса “7” рақами билан белгиланиб мутахассислик, йўналиш, таълим соҳаси, билим соҳаси ва таълим даражаси кодлари халқаро талаблар билан уйғунлаштирилди.

Учинчи янги ресурс, бу олий таълим давлат стандарти ва олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ билим ва таълим соҳаларидан келиб чиқиб таянч олий таълим муассасалари жадвали тасдиқланди.

Тўртинчи янги ресурс,бу аввалги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги билим,таълим соҳалари билан янги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторидаги кодларнинг солиштирма қиёсий жадвали ишлаб чиқилди.

Бешинчи янги ресурс, бу ўқув-услубий ва норматив-ҳуқуқий базани жорий этиш учун ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Олтинчи янги ресурс,бу олий таълим йўналиши ва мутахассисликлари учун малака талабларини ишлаб чиқиш тартибидир.Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжат таянч олий таълим муассасаси ва истеъмолчи ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилиб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг намунаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб намуна сифатида тақдим этилиши аввалги даврларда рўй берган хатоларнинг такрорланишига йўл қўймайди.

Еттинчи янги ресурс, бу олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режаларнинг ишлаб чиқилиши ва намуна лойиҳа сифатида берилиши олий ўқув юртларининг ўқув методик бошқарма ва кафедраларига жуда катта услубий ёрдам бериши билан аҳамиятлидир. Чунки, бундай андозадаги ўқув режалар энди шакллантирилмоқда. Шунинг учун кафедра мудирлари, ўқув методик бошқарма раҳбарлари, методистлари ва ўқув ишлари проректорлари бу ресурсни алоҳида халқаро талабалардан келиб чиқиб шакллантира олса “**Университет 3.0**” концепциясига босқичма-босқич ўтишнинг дастлабки қадамини ташлаган бўлади. Мутахассислар нечта ва қайси фанни ўқиш кераклиги, ўқитилаётган фан эртага амалиётда борми ёки йўқми, модул-кредит тизимини жорий этиш ҳам шу ресурс билан боғлилиги бу ресурснинг аҳамиятини янада оширмоқда. Шунинг учун кафедра мудирлари хорижий тилларни биладиган мутахассислар билан ҳамкорликда рейтингда юқори поғонада турган хорижий таълим муассасаларининг ўқув режаларидаги фанларни олиши ҳамда ўқий билиши керак бўлади. Акс ҳолда, яна аввалги таянч олий ўқув юртларининг ўқув режаларини олиб плагиаторлик билан жорий ҳолатлари кузатилади. Натижада, йўналишлар, мутахассисликлар ва олий таълим муассаслари ўртасида рақобат бўлмайди. Бу эса сифатсиз кадрлар тайёрлаш давом этаётганлигини англатади.

Саккизинчи янги ресурс, бу бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун фанлардан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тартибининг берилишидир. Фаннинг ўқув дастури таълим сифатини таъминлашдаги асосий омилдир. Аввалги йиллардаги камчиликлардан бири бу ягона вариантдаги ўқув дастурининг бўлмаганлиги учун аттестация ва аккредитация жараёнида экспертлар билан турли мунозараларга бориш ҳолатларининг кузатилгани эди. Энди эса бу ресурсга таянилса аввалги йиллардаги камчилик ўқув жараёнида такрорланмайди.

Шунинг учун бу янги жорий этилаётган ресурслар ва вазирнинг бўйруғини синчиклаб ўрганиш учун профессор-ўқитувчилар ўртасида эҳтиёж сезилмоқда. Сабаби, ўқув режалар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун

берилган мустақилликдир. Чунки, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари 1-курсларига кредит-модуль тизими жорий этилиши, ўқув режа ва ўқув фан дастурини мустақил равишда ишлаб чиқиш ҳуқуқи таълим тизимидаги ўқув жараёни учун маъсул бўлган шахсларга улкан масъулият юклайди. Юқоридаги ўқув-услугий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жорий этиш учун дастлаб олий таълим муассасида таълим соҳалари бўйича маслаҳат гуруҳи ва унинг таркибида таянч олий таълим муассасаси вакилининг иштирок этиши, идоравий мансублигидан қатъий назар олий таълим муассасасига ихтиёрий равишда бошқа таянч давлат олий таълим муассасасининг бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режа ҳамда фан ўқув дастурларини таълим жараёнида фойдаланиш ҳуқуқи берилмоқда. Янги ресурсларнинг ўқув режалар ва фан ўқув дастурларини жорий этишда жойларда қўйидаги камчиликлар кузатилмоқда.

Таълим йўналиши ва мутахассислиги мавжуд кафедраларга қўйилган талаб билан факультетлараро кафедраларга қўйилган талабларни аралаштириб юбориш ҳолатлари рўй бермоқда. Жумладан, мажбурий фанлар блокидаги Фалсафа фани учун ўқув дастурини таянч олий таълим муассасаси ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ дейилмоқда. Бунда бу фаннинг таркибида “Фалсафа”, “Коррупцияга қарши кураш”, “Диншунослик” модулини киритиш тавсия этилади. Бу фан таркибидаги модулар кадрларни комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга Президентимиз

Ш.Мирзиёевнинг **“Янги Ўзбекистон-маърифатли жамият”**³¹ концепциясини амалга оширишга хизмат қилади. Шу ўринда таянч давлат олий таълим муассасалари ва мустақил равишда ўқув режалар ишлаб чиқаётган олий таълим муассасалари танлов фанлари блокини шакллантираётганда бугун маиший турмушимизда диний радикаллашув рўй

³¹Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” 6.11.2021 йил.

бераётганлиги ва диннинг маиший турмуш билан боғлиқ саволлари кўпаётганлигини инобатга олиб, бу блокка “Турмуш ва дин” ўқув модулини киритишига эҳтиёж сезилмоқда. Албатта бу модул танлов фанларига қўйилган тамойиллардан келиб чиқиб ўқитилади. Агар мутахассислар дарс берадиган бўлса бу модул кўп талабаларнинг саволларига тўғри ва илмий асосланган жавоб беради. Шунинг учун ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиб тезроқ ҳаётга жорий этиш керак бўлади. Демак, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг янги ўқув-услугий ва норматив-ҳуқуқий ресурсларини ҳар бир профессор-ўқитувчи мукаммал ўрганиб бориши ва талабаларга ҳам ўргатиши бугун ўқув жараёнидаги энг долзарб ишдир.

11-§. МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий - сиёсий ва маънавий ҳаётда чиндан ҳам муҳим ўзгаришлар руёбга чиқди. Жумладан, миллий ва диний қадриятлар тикланиши одамларнинг турмушига ижобий таъсир ўтказди ва ўтказмоқда. Бу нималарда намоён бўлди ва бўлмоқда? Аввало, юртимизда динга, хусусан ислом динига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мустақилликка эришиш остонасида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун миллий ва диний қадриятларнинг тикланишига пойдевор қўйди. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилса-да, бошқа конфессиядаги диндорлар жамоалари билан ислом динига эътиқод қилувчилар учун тенглик тамойилининг қўлланилиши, яъни турмушда бирон бир динга имтиёз ҳамда чеклашларнинг йўл қўйилмаганлиги мамлакатимизда тинчлик ва толерантликни таъминлади. Тинчлик ва толерантлик эса жамиятнинг барқарор ривожланишига асос бўлди.

Миллий ва диний қадриятларни тиклаш ва шу орқали жамиятда одамларнинг маънавий – ахлоқий камол топишига эришиш дастлабки

кунлардан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ислом дини руқнлари деб ном олган беш амалий маросимни эмин-эркин адо этиш, маиший турмушдаги ўзбек халқи, яъни миллат менталитети билан боғлиқ бўлган урф-одат, маросим, анъаналарни нишонлаш ва ўтказишга коммунистлар томонидан таййиқларнинг барҳам топиши жамиятга соғлом муҳит олиб келди. 1990 йил июнь ойида ҳаж сафарига боровчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида биринчи Президентимиз фармони эълон қилинади. 1991 йил апрель ва июнь ойларида рамазон ва қурбон хайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида иккита фармон эълон қилинади. Мана шу уччала фармон ҳали Совет Иттифоқи мавжудлигида амалга оширилган, биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуслари билан қилинган диний соҳадаги жуда катта сиёсат деб аташ мумкин. Саудия Арабистонининг бирор бир меҳмонга кўрсатиши мумкин бўлган эҳтироми бутун дунё мусулмонлари ибодат қиладиган Каабанинг эшикларини очиб бериш ҳисобланади. Бу маросимга ҳам биринчи Президентимизнинг ёлғиз ўзи эмас, балки йигирма кишига яқин Ўзбекистон делегациясининг мана шу жойга қадам босиши имом Бухорий ва имом Термизийлар юртига ва халқига нисбатан жуда катта эҳтиром саналади.

Тарихдан маълумки, барча давлатларнинг ҳуқуқи ва тарихини ўқисангиз давлат ва дин муносабатлари ўртасида чигал муносабатлар рўй бериб келган. Бундай чигал муносабатлар эса баъзан диний адоватларнинг кучайишига, динга бўлган нотўғри сиёсат эса халқларнинг маънавий бойлиги билан боғлиқ бўлган кадриятларнинг поймол бўлишига олиб келган. Хусусан, Ўзбекистонда коммунистларнинг 75 йил ҳукмрон мафқураси даврида миллий ва диний кадриятларга беписандлик билан қараш каби салбий ҳолатлар бугунги кунда ҳам баъзи фуқароларнинг маиший турмушида у ёки бу ҳолатда содир бўлиб турибди. Бундай салбий дунёқарашга эга бўлган фуқаролар аввало уйда ота-она тарбиясидан маҳрум бўлган ёшлардир. Бундай оилаларда моддий истеъмолчилик кайфияти устунлик қилади-ю, оилада маънавий муҳит чириб тамом бўлган бўлади. Бозор иқтисодиёти ва унинг турмушдаги салбий

оқибатларидан бири фуқаролар дунёқарашида истеъмолчилик кайфиятини кучайтириб юборди.

Моддий нарсаларга “сиғиниш” хоҳлаймизми йўқми биринчи аҳамиятга чиқиб кетди. Маълумки, Ўзбекистонда олти ярим миллион оила бор. Агар ҳар бир оила оилавий бюджетидан энг кам иш ҳақининг ярмини китоб сотиб олишга сарфласа 374 миллиард сўмлик китоб сотиб олинар экан. Ваҳоланки, бу оилалар бир ойда уяли телефони учун 200 миллиард сўм сарфлар экан. Бу манзара кўп нарсаларни муҳокама этишга чорлайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев маънавий-маърифий муҳитни соғломлаштириш учун 2019 йилда беш ташаббус ғоясини илгари суриб, бу ташаббус тўртинчисининг таркибий қисми ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилганлиги бежиз эмас экан. Президент Ш.Мирзиёев устоз ва мураббийлар куни муносабати билан ўқитувчи-мураббийларга қилган мурожаатида ”Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак»³² деб таъкидлади.

Демак, учинчи ренессанс мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг салоҳияти ва фидоийлигига боғлиқ. Улар ўз соҳаларининг чинаккам эгаси эканлиги исботлаш учун тинимсиз ўз касбий малакасини ошириш учун ўз устида ишлаши ва таълим-тарбия бераётган ёшларга намуна бўлиши талаб этилмоқда. Шу жумладан, диний таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда эса мамалакатимизда фаолият кўрсатаётган битта академия, учта институт ва ўн бирта ислом ҳамда иккита

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.20 й.

ноисломий ўрта махсус ўқув юртларининг мударрислари, толиб ва толибалари диннинг маърифатпарвар ғояларини, барча динлар жаҳолотга қарши эканлигини эътиқод қилувчи жамоаларига содда ва оммабоп тилда тарғибот қилишда фидоий бўлишини талаб қилмоқда.

Лекин, таълим муассасаларида педагогларнинг ўзлари дарс бераётган фанларидан касбий билим даражаси ўрганилганда таҳлиллар қониқарсиз чиқаётганлиги бу соҳада олий таълим ва халқ таълими муассасалари ҳали кўп ишлар қилиш кераклигини кўрсатмоқда. 2019/2020 ўқув йилида Сирдарё ҳамда Сурхондарё вилоятларида ўтказилган диагностика синовлари натижалари буни яққол кўрсатди. Синовларда қатнашган 44 минг нафардан ортиқ ўқитувчининг 73 фоизи ўз фанидан қониқарсиз баҳоланди. Яқинда умумтаълим мактабларининг рейтинги эълон қилинди *худудлар рейтингда энг юқори ўринларни* Бухоро, Наманган ва Хоразм вилоятлари эгаллаган бўлса, *қуйи ўринларда* Сирдарё, Тошкент вилояти ва Сурхондарё вилоятлари қайд этилди.

Олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши бўйича юқори ўринларда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўлса, қуйи ўринларда Самарқанд, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари мактаблари аниқланди. Олий таълим муассасалари миллий рейтингда Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент ахборот технологиялар университети, Тошкент давлат аграр университети етакчи ўринларни эгаллашди. Дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасалари рейтингда ҳали биронта олий таълим муассасаларимиз эътироф этилгани йўқ. Бу соҳалар учинчи ренессансни руёбга чиқаришнинг энг муҳим устунлари ҳисобланади.

Аллоҳ инсонни яратиш билан унга ўқиш - ёзишни насиҳат қилиш билан бирга жаҳолотдан фақат дунёвий ҳамда диний билимларни пухта эгаллаб уни турмушда қўллагандагина қутулиш мумкинлигини дастлабки кунларда амр этган эди. Бундан бир минг тўрт юз ўн йил аввал Муҳаммад алайҳиссаломга

Қуръони каримнинг дастлабки нозил бўлган оятлари бунинг яққол исботидир. Энг муҳими, биринчи сўз “Иқров”–“Ўқи!” деб буюрилиши инсониятга кўп нарсани англатади. Араблар турмушидаги жоҳилият муносабатларини фақат ислом динида нозил бўлган диний ва дунёвий билимларгина халос этганлигига тарих шоҳиддир. “Ўқинг, ўқинг ва яна ўқинг” каломини коммунистлар ўзларининг доҳийси номи билан боғлаб келдилар.

Ваҳоланки, бу сўз Қуръони каримнинг илоҳий каломидир. Ислом дини илоҳий китоби Қуръони карим 17-аср охиридан турли халқлар тилига таржима қилингани, хусусан 1697 йил лотин тилига, 1770-1828 йилларда 8 марта француз тилига, 1734-1826 йилларда эса 10 марта инглиз тилига, 1946 йил немис тилига, 1716-1986 йилларда эса 7 марта рус тилига таржима этилган.

Она тилимизга таржима қилинганига энди 30 йил бўлди

1.”Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми

билан!

2.(У) инсонни лахта қондан яратди.

3.Ўқинг! Раббингиз эса Карамлидир.

4.У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди.

5.У инсонга билмаган нарсаларни билдирди.”³³

Коммунистлар даври адабиётлари таълим муассасаларида ўқитилмасда Қуръони каримнинг дастлабки нозил бўлган оятидаги “Ўқинг, ўқинг ва яна ўқинг” каломини ҳозир ҳам баъзи фуқаролар коммунистлар доҳийси номи билан боғлашади. Албатта, бу учун улар айбдор эмас. Буни маиший турмушдаги билимларининг саёзлиги ва ислом дини ва унинг илоҳий китобидаги билимларни она тилимизда ўрганаётганимизга энди ўттиз йил бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

³³ Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири.”ТИУ”НМБ.2018.597 бет.

12-§. АЛЛОМАЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Болалар саломатлиги аҳволи нафақат бугунги кунда, балки жамият ва давлатнинг келажакдаги фаровонлигининг муҳим кўрсаткичидир. Бугунги кунда юртимизда болаларнинг соғлом бўлиб вояга етиши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳар қандай халқ, миллат борки ўзларининг генофондини соғлом тарзда давом қилиши учун барча имкониятларини ишга солиди. ”Чунончи, тараққий этган мамлакатларда соғломлаштиришга асосан жисмоний тарбия ва спорт омиллари билан эришаётгани ҳеч кимга сир эмас. Демак, биз ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ҳар томонлама уйғун камол топтириш муқаддас бурчимиздир”³⁴.

Ҳар қайси ота-оналарнинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётга муносиб ўринни эгаллашни энг оммавий мақсад деб билган мамлакат ва халқигина юксак тараққиётга эришади.

Боланинг саломатлиги у яшайдиган муҳит шароитига чамбарчас боғлиқ эканлиги бугунги кунга ҳеч кимга сир эмас. Бола саломатлигига таъсир этувчи омиллар тиб илмининг билимдони буюк Ибн Синонинг кўпгина асарларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унда саломатликни асосий гарови сифатида шахсий гигиена қоидаларини баён қилишган. Инсон саломатлиги атрофимизни ўраб турган ҳавонинг таркибига боғлиқ, чунки ҳаво гавдамизни ва руҳимизнинг таркибига кирган тўрт асосий унсурларнинг биридир. Ибн Сино болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний ақлий тарбия билан узвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Ибн Сино таълимотича, боланинг саломатлиги кўп жиҳатдан ота-она соғлигига боғлиқ бўлиб, у ўсаётган ва ривожланаётган муҳит ҳам ўз таъсирини

³⁴ F.Хо‘jayev, T.Usmonxo‘jayev ”Boshlang‘ich sinflarda jismoniy tarbiya darslari ” T. ”O‘qituvchi” 1996-yil.

кўрсатади. Болани озуклантирувчи она яхши хулқли бўлиши, ғазабланиш ва ғамгинликдан узоқ бўлиши кўрқиш ва бошқа ёмон рухий таъсуротларга тез берилмайдиган бўлиши керак³⁵.

Оилада бола ҳаётини тўғри йўлга қўйишнинг асосий шартлари кўйидагиларидан иборат бўлиш керак. Оқилона қатъий белгиланган кун тартиби, қуёш, тоза ҳаво, гигиена талаблари, йўллар ва жисмоний машқларни тўғри йўлга қўйиш ҳамда барча талабларни бажариш.

Алломанинг таъкидлашича болаларнинг соғлом бўлишдаги асосий тадбир бадантарбия бўлиб, кейинги тадбири овқат ва уйқудир. Бадантарбиянинг турлари мавжуд бўлиб уларни фаслларга қараб бажариш мақсадга мувофиқдир.

Бадантарбия билан машғул бўлмай қўйган киши ингичка оғриқ касалига учрайди, чунки ҳар бир аъзо учун ҳаёт қуроли бўлган туғма руҳни тотиб келтирувчи ҳаракатни тарк этиши натижасида унинг аъзолари заифлашиб кетади.

Ҳаракат қилиш жисмоний ривожланишнинг бошқа кўрсаткичлари билан бир қаторда инсонлар саломатлигига обектив кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Одамда ҳаракатланиш эҳтиёжи у туғилган вақтдан оқ пайдо бўлади. Ҳозирги вақтдаги турмуш тарзи одамдан ҳаддан ташқари ҳаракатчанликни талаб қилмайди. Айниқса, талабалар, мактаб ўқувчилари, ақлий меҳнат ишчилари, енгил жисмоний фаолият билан шуғулланувчи кишилар турли даражадаги раҳбарларга алоқадир.

Умуман олганда ёш болалар соғлигини мустаҳкамлашда уларни ҳар томонлама ривожлантиришга турли хил қизиқарли ҳаракатли ўйинларни аҳамияти каттадир. Болаларга қувонч бағишлайдиган ҳаракатли ўйинлар орқали, бола теварак атрофдаги борлиқни кузатади, ўзини қуршаб турган оламни тушуна бошлайди, унга турмуш, ҳаёт ҳодисаларига муайян муносабат

³⁵ Abu Ali Ibn Sino "Tib qonunlari" 1-jild. T. "Abdullo Qodiriy" 1993-yil

маъно бўлади. Ҳозирги кунларда ҳаракат танқислиги бироз бўлсада муоммоларга дуч келмоқда.

Ибн Сино ҳаракатсизликнинг олдини олиш ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “ҳаракатлилик танада тўлдирувчи нарсалар тўпланишинг олдини олувчи кучли омиллардан бўлиб, шу билан бирга туғма иссиқликни оширади, танага енгиллик беради”. Маълумки жисмоний тарбия ва спорт ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. Алломанинг фикрича бадантарбия қилсангиз, сизга дори-дармонни ҳожати йўқ деб ёзади. Тоза ҳавода кўпроқ бўлинг деб маслаҳат берган. Ҳар бир киши спорт билан шуғулланиш, ҳаракатлар эҳтиёжларини қондириши лозим. “Баҳорда бадантарбия учун учун энг мувофиқ вақт тушга яқин бўлиб, ўртача ҳароратли уйда қилиниши керак. Ёзда эса бадантарбия эртароққа кўчирилади. Қишга келсак ёзга нисбатан кечроқ бажарилади”.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳатларда ҳам ёшлар саломатлигига жуда ката эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тузилган дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шундан 706,2 миллиард сўмдан ортиқ қисми ушбу йилларда жами 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

Жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш инсон организмни мустаҳкамлайди. [Иш қобилиятини ўстиради](#), соғлом ҳаёт тарзига эҳтиёжини тарбиялайди. Ҳаракат фаолияти инсоннинг руҳий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. У салбий, руҳий таъсирлар, ақлий чарчашни бартараф этиш воситаси ва ютуқ фаолияти омили сифатида хизмат қилади. Соғлом болада жисмоний машқлар натижасида мия қон айланиши яхшиланади. Жажжигина

бешик остонасида эмаклай бошлаётган чақалоқ ота-онасининг имо-ишоралари билан ҳаракатлана бошлайди. Қай томонга йўналтирилса қайси ва қайси ҳаракатни кўрсатса шунга қараб такрорлайди. Болани кичик ёшиданок ҳаётга тўғри тарбиялай олиш, оила аъзоларининг кичиктириб бўлмас масъулиятлари саналади. Зеро келажак бугундан бошланади. Болани шу ёшидан тарбия масаласига эътибор берилмаса келажак бой берилади. Оилада бола тарбияси унинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб етишишини кун жихатдан тарбиянинг ўз вақтида босқичма-босқич жараёнида бериб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Демак, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш инсон саломатлигига ижобий таъсир этиб, уни жисмонан ривожлантиради, бақувват қилади, саломатлигини мустаҳкамлайди, ҳаётининг янги қирраларини очишга имкон яратади. Ҳар қандай жамиятнинг фарзандлари баркамол, соғлом ривожланиши учун табиий муҳит юқори даражада экологик сифат ва микдор кўрсаткичларига эга бўлмоғи даркор. Шу билан биргаликда, ҳар бир жамият аъзоси экологик онг ва тафаккур соҳиби бўлиши, ўзининг яшаш жойи маконини эъзозлаши, қадрлаши, у ерда яратилган имкониятлардан фойдаланиши зарурдир.

13-§.ОЛИЙ ТАЪЛИМ: САВОДСИЗЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Ҳеч кимга сир эмас, сўнги беш йилни таҳлил қилсак - Ўзбекистонда олий таълим тизимида жуда улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди.Олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси йилдан йил яхшиланиб, тизимда фаолият кўрсатаётган профессор - ўқитувчилар обрў - эътиборига давлатнинг муносабати тубдан ўзгарди. Давлат олий таълим тизимининг нуфузини ошириш учун ибратли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин, бугун олий тизимида тайёрланаётган кадрларнинг сифатига давлатнинг эътирози ҳам ўринлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Сифат борасида ўзгаришлар ҳали сезилмаяпти. Таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор

эхтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ректорларнинг эътиборидан четда қолиб кетмоқда”³⁶ деб таъкидлади. Олий таълим тизимида таълим сифати талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашга жараёнига ҳам боғлиқдир. Бу жараённинг тарихига бир назар ташлайлик. 1998 йилдан буён олий таълим тизимида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилган эди. Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичи **100** баллик тизимда баҳоланиб келинди.

Бу **100** балл жорий, оралик ва якуний назоратларга тақсимланди. **Ушбу низомга йиллар мобайнида жуда кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Энг афсусланарли томони шундаки, профессор-ўқитувчилар бу баҳолаш тизимини қабул қилмай, стихияли жорий қилди ёки шогирдлари орқали ўқув-меъёрий хужжатларни расмийлаштириб қўйдилар. Олий ўқув юртларида ўнлаб семинар-тренинг ўтказилганда фақат бизни арифметик ҳисоб китоб билан чалғитаяпсизлар деган эътирозлар айтилди. Баъзи ҳолатларда уларнинг эътирозларида ҳам ҳақиқат бор эди. 2018 йилдан бошлаб эса талабалар билимини баҳолаш мезонида “5” (аъло), “4” (яхши), “3”(қониқарли), “2”(қониқарсиз) деб баҳоланадиган бўлди. Бу мезон ўқув жараёнига қандайдир илиқ руҳ олиб кирди. Профессор-ўқитувчилар аввалги рейтинг низомига нисбатан бу мезонни дарров тушундилар ва талабалар билимини назорат қилиш ва ўзлаштириш кўрсаткичини баҳолашда бирмунча бўлсада ижобий натижалар бера бошлади.

Энг мураккаб томони шундай бўлдики, тизимда икки хил баҳолаш жараёни амал қила бошлади ва бу профессор-ўқитувчиларга яна ҳам қийинчиликлар туғдирди. **Шу даврда қоғозбозлик ва бюрократия энг кульминацион нуктага чиқди.** Талабага билим беришдан кўра рейтинг назорати жадвали ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва стихияли баҳолаш орқали хужжатларни расмийлаштириб қўйиш долзарб вазифа бўлиб

³⁶ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан.

қолди. Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб баъзи олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит тўплаш ва кўчиришнинг **Европа тизими асосида кредит-модуль** тизимини жорий этиш бошланди. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб барча олий ўқув юртлари шу тизимга ўтиши назарда тутилаётган экан. Шундай бўлсада олий таълим тизимида талабалар билимини баҳолаш мезонлари икки шаклда амалга оширилмоқда. Бу барибир профессор-ўқитувчилар учун ноқўлай ҳолатларни келтириб чиқаради.

Энг муҳими, Ўзбекистон олий таълим ҳам халқаро олий таълим тизимини уйғунлаштирган **Болонья процессига** аста секинлик қўшилмоқда. Бугун Европанинг 48 давлати бу бошқарув усулидан фойдаланмоқда. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги Россия, Беларусия, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон ҳам бу жараёнда тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қатнашмоқда. Ўзбекистонда ҳам “олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш назарда тутилсин”³⁷ дейилган. Маълумки, **ўн йиллаб рейтинг тизими бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезони жараёнида йўл қўйилган хатолар туфайли олий таълимда битирувчиларимиз саводсиз бўлиб чиқди.** Бу тизим узоқ муддат профессор-ўқитувчига ҳам талабага ҳам ўз устида ишлашга мотивация бермади. Кредит-модуль тизимининг энг муҳим афзалликларидан бири бу профессор-ўқитувчига ҳам талабага ҳам мотивация бериши билан ажралиб туради. Фақат профессор-ўқитувчидан ҳам талабадан ҳам компьютер саводхонлиги талаб этилади.

Концепциядаги “талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847-сон

бориш”³⁸ деган талаби шуни тақоза қилади. Республикамиздаги 33 та олий таълим муассасаларининг биринчи курсларида бу ўқув йилида кредит-модуль тизими жорий қилинди. Буни самарали бошқариш учун олий таълимда **Hemis** бошқарув ахборот тизими жорий этилди. Ҳозир олий ўқув юртлиридаги талабалар билимини баҳолашда энг катта муаммолардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, ижтимоий тармоқларда кредит-модуль тизимининг афзалликлари ҳақида умумий гап кўп айтилмоқда ва ёзилмоқда. Лекин, аниқ бир фан мисолида 2 кредитни ёки 4 кредитни тўплаш жараёни бўйича методик фикрлар айтилмаяпти. Балки, таянч олий ўқув юртлири маъсул кафедралари ёки вазирлик қошидаги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш Маркази ходимлари бу жараёнга эътибор қаратади.

Иккинчидан, ўқув ишлари проректорлари ўзлари дарс бераётган фанидан кредит-модуль тизимини жорий этиши бўйича амалий тақдимотларини ўтказиб намуна бўлиши керак.

Учинчидан, олий ўқув юртлири бошқарув тизимида самара бермаётган бўлимларни қисқартириш ҳисобига кредит-модуль тизимини жорий этиш ва мониторингини юритиш учун алоҳида бўлимга эҳтиёж сезилмоқда. Бўлимнинг ваколати ва мавқеига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Чунки, таълим сифати, профессор-ўқитувчи ва талабаларга малака ва кўникмасини шакллантиришга улар амалий ёрдам бериб бориши керак.

Тўртинчидан, кредит-модуль ва **hemis** бошқарув тизимида ишлай оладиган ёш қобилиятли кадрларни ўқув ишлари бўйича декан муовинлига тавсия қилиш керак.

Бешинчидан, профессор-ўқитувчига **hemis** бошқарувидаги фанлар базасига фан русурси, фан топшириқлари ва илмий фаолият бўлимидаги услубий нашрлар, илмий нашрлар, интеллектуал мулклар ва илмий

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847-сон

фаолликларга кўйган маълумотларига ва ўқув ишлари бўйича декан муовинларига эса ўқув жараёни бўлимидаги имтиҳонлар рўйхати, машғулотлар, назоратларни тўлдириш ва расмийлаштиришига қараб ҳар семестрга моддий-маънавий рағбатлантириш жорий этилса аввалги йиллардаги камчиликлар такрорланмайди. Юқоридаги омилларга эътибор берилса, кредит-модуль тизимини жорий этиш бирмунча бўлса-да яхшиланади. Тарихдан маълумки, бировнинг билимини баҳолаш ниҳоятда мураккаб иш ва энг қийин касб ҳамдир. Олий таълим профессор-ўқитувчиларига шундай қийин касб тақдир тақозасидир. Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдевори барпо этилаётганда ўқув жараёнининг энг нозик ва долзарб жиҳатига эътибор қаратиш барча ўқув жараёни ходимларига маъсулият юклайди.

14-§. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ДАВЛАТ ВА ДИН

МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тараққиётнинг демократик йўлини танлаган дунё давлатлари бугун динга бўлган муносабатини “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга келтирмоқда. Дунёда давлат ва дин муносабатларини тартибга келтиришнинг учта модели мавжуд. Илмий адабиётлар ва ижтимоий тармоқларда биринчи моделни идентификацион модель деб номламоқда. Англия, Швеция, Финландия, Норвегия, Саудия Арабистони, Қатар, Эрон каби давлатлар структурасида шу моделни кузатиш мумкин. Бу моделнинг муҳим хусусияти шундаки, давлат динни расмий белгилаш принципига амал қилади. Иккинчи бир давлатларнинг конституцияларида эса диний ташкилотнинг давлатдан ажратилганлиги аниқ кўрсатилган бўлади.

Буни сепарацион модель деб номлашади. АҚШ, Ўзбекистон, Туркия, Франция ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида шу моделни кузатиш мумкин. Бу моделнинг муҳим хусусити шунда намоён бўладиги, давлат ва диннинг бир-бири ишларига аралашмаслик принципи яъни, диний ташкилотнинг давлатдан қатъий ажратилганлик тамойили устун бўлади.

Учинчи бир давлатларда эса кооперацион модель шакли амал қилмоқда. Германия, Испания, Италия, Австрия ва Бельгия давлатларида шу модель шаклини кузатиш мумкин.

Бу моделнинг муҳим хусусияти шундаки, уни нейтралитет модели ҳам деб атаб, давлат-диний ташкилот ўртасидаги муносабатларда давлат ҳокимиятининг устуворлиги эътироф этилади ва давлат-диний ташкилот ҳуқуқи вужудга келиши билан ажралиб туради. Юқоридаги моделлардан кўриниб турибдики дунё давлатларида давлат ва дин муносабатларини ҳуқуқий тартибга келтириш, эътиқод эркинлигига бўлган муносабатлар тартибга солувчи конституциявий ва қонунчилик нормалари ҳар хилдир. Ўзбекистонда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилган даврга ҳам ўттиз йил бўлди. Дастлаб, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган 30 та моддадан иборат бўлган ушбу қонун Ўзбекистон халқлари эътиқоди тарихидаги биринчи ҳуқуқий акт эди. Бунгача эса собиқ советлар даврида қабул қилинган ҳуқуқий актлар амал қилган. 1998 йил 1 майдан ушбу қонун ўзгартириш ва қўшимчлар киритилиб 23 та моддан иборат қилиб янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон хилма-хил эътиқодли ҳамда кўп миллатли давлат ҳисобланади. Бундай давлатда соғлом турмуш тарзини шакллантириш фақат жисмоний томондан эмас, балки эътиқоди соғлом кишиларни тарбиялаш жамиятда тинчлик, тараққиёт ва меҳр-оқибатнинг гаровидир. Шунинг учун ҳам 2021 йил 5 июлда 35 та моддадан иборат бўлган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун янги Ўзбекистон маънавий эътиқодини шакллантиришда энг муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Бу қонун аввалги қонунлардан нимаси билан ажралиб туради? Биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган барча эътиқод эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқий актларнинг тамойиллари ва иккинчидан, халқаро экспертларнинг юртимизда бўлиб, турли конфессия вакиллари билан виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятига оид мулоқотларда

билдирган таклиф ва тавсиялари инобатга олинди ва экспертизадан ўтказилди. Учинчидан эса қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамага қўйилиши билан ажралиб туради.

Айниқса қонуннинг биринчи боб 3-моддаси “Асосий тушунчалар” деб номланиши ва унда 8 та атамага берилган таъриф турли даврларда бу тушунчаларни нотўғри талқин қилишнинг олдини олади. “Диний таълим муассасаси”, “диний ташкилот”, “диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи”, “маҳаллий диний ташкилот”, “миссионерлик”, “қонунга хилоф диний фаолият”, “диний профессионал таълим”, “прозелетизм” каби тушунчаларга аниқ таъриф берилган. “Жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Ҳар йили Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланадиган 30 июль санаси Ўзбекистонда **“Халқлар дўстлиги куни”** деб эълон қилинди. Бу йил ушбу байрам мамлакатимизда биринчи бор кенг нишонланди. Буни ҳам ички ва ташқи сиёсат омиллари бирлашадиган муштарак ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин”³⁹ деб таъкидлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат 16 та конфессияга амал қилмоқда. Бу янги таҳрирдаги қонун шу конфессия вакилларининг тинч-тотув ва ҳамкорликда толерантлик билан фаолияти кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Янги таҳрирдаги қонуннинг 7-модда “Диннинг давлатдан ажратилганлиги” ва 8-модда “Таълим тизими ва дин” моддалари бу жараёни таъминлайди. Қонуннинг 7-моддаси 3-абзацдаги “Давлат конфессияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлади”⁴⁰ деган фикрлар кўп миллатли ва кўп конфессияли халқимиз учун ниҳоятда қадрли туйғудир. Дунё халқлари

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. 17.08.2021 йил.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”. 2021 йил 5-июль.

Ўзларининг турли хил урф-одат, маросим ва анъаналарига эга. Бу урф-одат, маросим ва анъаналар диний эътиқодлар билан ҳам боғлиқдир.

Янги қонундаги 9-модда “Диний расм-русумлар ва маросимлар” деб номланади ва бу модда ўн йиллаб баҳсларга сабаб бўлган ва ечими топилмаган тушунчага барҳам берди.”Ибодат либоси” тушунчаси шундай баҳсларнинг сабабчиси бўлди. Чунки, қадриятлар боғлиқ илмий адабиётларда бу тушунчага таъриф топилмади. Шунинг учун бунга қўйилган тақик янги таҳрирдаги қонундан чиқариб ташланди. Давлат ташкилотлари ва таълим муассасаларида ходимларнинг кийиниши билан боғлиқ талаблар ички ҳужжатлар билан тартибга келтириладиган бўлди. Шу ўринда бағрикенглик тушунчаси ва унинг кўринишларига ҳам эътибор бериш лозим бўлади. “Бағрикенглик деб-шахс, элат, миллат, халқларнинг бирон бир нарсага нисбатан кенг кўламда, чин дилдан очиқ кўнгиллик билан ёндошишларига айтилади”⁴¹. Бағрикенглик миллий, умуминсоний, шукр қилиш ва ўзаро ҳурмат тарзида кундалик турмушда намоён бўлади. Диний бағрикенглик деб хилма хил диний эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида чин дилдан очиқ кўнгиллик билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини тараннум этувчи фикрлар ва амалий ҳатти-ҳаракатлар тизимига айтилади. Диний бағрикенглик ғоясини амалга оширишда янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташклотлар тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамиятга эгадир. Энг муҳими “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи ренессанс” тушунчалари бугун ижтимоий тармоқларда ва халқимиз мулоқотларида тез-тез фойдаланадиган сўзга айланди. Бу қонун мана шу “янги Ўзбекистон” ва “Учинчи ренессанс” пойдеворини яратишга ҳам бебаҳо ҳисса қўшади.

15-§.ЭЪТИҚОД ВА ҚАДРИЯТ-КОМИЛЛИК НИШОНАСИ

Пандемия моддий ва маънавий қадриятларга нисбатан дунёқарашимизни ўзгартириб юборди. Инсон ва табиат, жамият ва эътиқод масалаларида ўзаро

⁴¹ Ж.Я.Яхшиликков, Н.Э.Мухаммадиев Миллий ғоя ва мафкура. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, Тошкент-2015. 233 саҳифа.

уйғунликни таъминлаш тобора долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, инсон эътиқоди хоҳ дунёвий, хоҳ диний бўлсин унинг ижобий ёки салбий таъсири моддий ва маънавий кадриятларда ўз таъсирини қолдиради. Эътиқод тўғри шаклланган ва тарбияланган жамиятда инсон моддий ва маънавий кадриятлардан ўз турмушида улардан зийнат сифатида фойдаланади ва бадъатга ўралган кадриятлардан халос бўлиб бораверади.

Лекин, глобаллашув ва айниқса XXI аснинг 20-йилларида дунё мамлакатларини қамраб олган пандемия даврида моддий ва маънавий кадриятларга нисбатан эътиқодни тўғирлаш, аниқроғи эса тарбиялаш жуда ҳам мураккаб кечмоқда. Давлатнинг куч ишлатар тузилмалари ҳам бу жараёнда иштирок этишга мажбур бўлмоқда.

Ўзбекистонда 2019 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴² ги қарори жамиятда соғлом эътиқодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин, қачонки унда кўйилган ахлоқий фазилатларни шакллантиришга барча муассасалар масъулият билан ёндошиб ўз муассасаларидаги шахсларнинг фаолияти индикаторларини мониторинг қилиб бориб турмушида намоён бўлаётган бидъатларга барҳам бериб бориш аънанаси мавжуд бўлса эришиши мумкин.

Демак, эътиқодни тарбиялашга янгича тизимли ёндошув бугун жамиятда бош муаммо. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида **“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.** Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши

⁴² Қаранг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 31-декабрь ВМ 1059-сонли қарори.

лозим”⁴³ деб таъкидлади. Шарқда, жумладан Мовароуннаҳрда эътиқод тарбияси давлат раҳбарлари маърузаларида, мутафаккир олимларнинг илмий асарларида ва маҳалла-куй ҳамда оилаларда ота-оналарнинг диққат марказида бўлиб келган.

Фақат собиқ Шўролар ҳукумати даврида бу жараёнга бир томонлама ёндошиб, диний эътиқодга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатилди. Дунёвий эътиқод ҳам нотўғри талқин этилди. Совет мафкураси бугунги МДХ мамлакатлари ҳудудларидаги миллатлар негизида “совет халқи” шаклланади ва жамият ривожланиб борган сари “дин барҳам топади” деган сохта ақидани одамлар турмушига сингдиришга 75 йил уринди. Охир-оқибат эса 75 йиллик совет атеистик эътиқоди 1991 йилга келиб ўз умрини яшаб бўлганини намоён қилди. XIV аср мобайнида ислом маънавияти дастлабки нозил бўлган пайтдан бошлаб инсонни дунёвий ва диний эътиқодда комилликка даъват этиб келаётганлиги ҳеч кимга сир бўлмади қолди.

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан!

(У) инсонни лахта қондан яратди.

Ўқинг! Раббингиз эса Карамлидир.

У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди.

У инсонга билмаган нарсаларини билдирди.

Бу Аллоҳ каломининг мазмун-моҳиятини узоқ йиллар атеистик эътиқод тарғиботчилари ўзларининг доҳийси номи билан боғлаб халқни чалғитиб келди. Ўзбек халқи бу оятларнинг асл моҳиятини таниқли уламо шайх Алоуддин Мансурнинг Қуръони Карим таржималарининг ўзбекча изоҳли таржимаси орқали барҳаманд бўлди. Таниқли адиб Ўткир Ҳошимов эса барча масъулиятни зиммасига бу китобнинг изоҳли ўзбекча таржималарини даврий равишда “Шарқ юлдузи” журналида чоп эттириб борди. Бундан 30 йил бурун

⁴³ Қаранг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” 2020 йил 29-декабрь

шундай савобли ишларга қўл уриш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас эди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи ўз уламо олими шайх Алоуддин Мансур ва дилкаш адиби Ўткир Ҳошимовни ва “Шарқ журнали”ни алоҳида меҳр билан тилга олинади. Қуръони Карим ислом оламида энг олий маънавий қадрият, бу маънавий қадриятда илм олиш, ўқиш фарз амалларидан биридир.

Демак, халқ учун дунёвий ва диний илмларни ўрганиш бу ўз қадриятларини билиш, ўрганиш мажбурий савобли амалдир. Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг 30 йиллик даврини таҳлил қилсак, жамиятда халқнинг эътиқоди, қадрияти ва уларга бўлган муносабатларда жуда кўп ижобий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, 2016-2020 йилларда мамлакатимизда дин ва эътиқод, диний таълим муассасаларига муносабат, диний уламолар асарларини ўрганиш ва халққа содда тилда тавсир қилиб тушунтириб беришда ибратли ишлар қилинганлигини халқ ўз турмуш тарзида сезиб ҳам турибди.

Халқаро ташкилотлар бу жараённи эътироф ҳам этмоқда. Бунинг яққол меваси сифатида 2020 йил 7 декабрда Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонни диний эркинлик бўйича “Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати”дан чиқарди. Бу дин, эътиқод, қадрият соҳасида Ўзбекистоннинг жасоратли ислохотларининг тан олиншидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон- мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”⁴⁴ деган ғояни бежизга айтмади. Диний таълим муассасалари ва ота-оналарга бу ғоя жуда улкан масъулият юклайди. Чунки, бола туғилгандан то 30 ёшгача бўлган даврда унинг эътиқодини ва ахлоқий фазилатларини тўғри йўналтириш, эртага жамиятга жуда катта интеллектуал капитал олиб келади. Бу эса Мовароуннаҳрда 9-12 ва 15-16 асрларда рўй берган биринчи ҳамда иккинчи ренессанс даврининг узвий давоми бўлиб, 20-аср бошларида жадидчи-маърифатпарвар имомларимиз Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа

⁴⁴ Қаранг. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

Бехбудий , Мунаввар қори Абдурашидхонов амалга оширолмайд кетган учинчи ренессансга бизнинг давримизда қўйилган пойдеворнинг дебочаси бўлади.

16-§. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Глобаллашув даврида жамиятда динлараро тотувликни таъминлаш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айирим давлатларнинг диний конфессионал манзарасига эътибор қаратилса, динлараро тотувлик тамойили конунлар орқали таъминланмаганлиги учун аҳоли турмуш тарзида беқарорлик тобора авж олиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Мовароуннахрнинг узок ўтмиш тарихи, яқин ва энг яқин тарихига оид битикларни ўрганган олимлар бу юрт ҳамиша турли тилда гаплашувчи ҳамда ҳар хил динга эътиқод қилувчи халқлар яшаб келаётган бўлса-да ҳамма даврларда юрт раҳбарлари динлараро тотувликка алоҳида эътибор берганлигини кўриш мумкин.

Олимлари эса динлараро тотувликни таъминлашнинг назарий асослари ҳақида ўнлаб рисоалар битишган. Мовароуннахрнинг V-VI асрларига бир назар ташласангиз турли диний эътиқоддаги аҳоли ёнма-ён яшаганлигини археологлар ўз тадқиқотлари билан исботлашган. Суғдда оташпарастлик, Тоҳаристон ва Шарқий Туркистонда будда динига эътиқод қилувчилар сони кўп бўлган. Шаҳарларда эса христиан ва яҳудий жамоалари мавжуд эди. Улар бир-биридан узокда бўлиб, диний тасаввурлари ҳамда анъаналари ҳар хил, турли тилларда мулоқот қилишган.

Мовароуннахрнинг бошқа географик ҳудудлардан фарқи шундаки, қадимда ҳам бугун ҳам янги Ўзбекистонда дунё глобаллашуви бошқа ҳудудларда турмушда салбий муаммоларни кўпайтирётган бўлса бу юртда эса боболардан анъана бўлиб ўтган толерантлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Чунки, давлат раҳбарлари ва буюк мутафаккирлари тарихийлик, анъанавийлик ва халқаро ҳуқуқ нормаларида битилган усулдан чекинмаган.

Ўзбекистон Республикасини дунёга таништирувчи асосий қонуни- Конституциясида динлараро тотувлик бундан бундан 29 йил аввал 8,18,31,57

ва 61 моддаларида зарҳал сўзлар билан битиб қўйилди. Бугунги динлараро тотувлик Конституциямиздаги ушбу моддаларнинг ижтимоий турмушдаги мевасидир. Бу нормалар БМТ инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил) ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1996 йил)лардаги динлараро бағрикенглик нормалари билан уйғунликдадир. Бугунги тез ўзгариб бораётган жамиятда одамлар эътиқодида рўй бераётган ўзгаришлар, диний ва дунёвий эътиқодни тўғри шакллантиришда баъзи омилларга тез ечим топишни тақоза қилмоқда.

Энг аввало, одамлар эътиқодида бағрикенглик фазилатини қарор топтириш лозим бўлмоқда. 2019 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳкамаси “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”⁴⁵ни тасдиқлади. Концепцияда маънавий ахлоқий фазилатларнинг 10 та тамойили мантиқий кетма-кетликда берилган. Бу фазилатларнинг ичида толерантлик (бағрикенглик) фазилати алоҳида ўрин тутди. Жамиятшунос олимлар ва диний уламолар ҳамкорликда бағрикенглик фазилатини баҳолайдиган илмий асосланган индикаторини ишлаб чиқиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Мана қарийиб икки йил ўтаяптики, соҳа вакиллари бу ҳақда илмий муҳитга ғоя ташламаяпти.

Мунозарали бўлса-да маънавий ахлоқий фазилатларни индикатор билан ўлчаб бўладими ёки йўқми, бу ҳақда баҳс йўқ. Охириги беш йилни халқаро экспертлар ва бошқа ноисломий дин вакиллари Ўзбекистонни ҳақиқий толерантлик мамлакати деб баҳолаётганлиги ижтимоий тармоқлардаги ахборотлардан маълумдир. Янги таҳрирда қабул қилинган ва 2021 йил 5-июлдан кучга кирган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун халқаро жамоатчиликнинг диний бағрикенглик масаласида шухбаларини тарқатиб юборди. Қонуннинг 3-моддасидаги асосий тушунчаларга келтирилган 8 та таърифлар жамиятда бағрикенгликни таъминлаш учун энг асосий устундир. Узоқ йиллар мобайнида диний таълим

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

ва диний либос билан боғлиқ баҳсларга нукта қўйилди. Фақат энди соҳа вакилларининг қонун талабларини суистеъмол қилинмаслиги таъминланса, 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшаётган ва 16 та конфессиядаги эътиқод килувчиларни бирлаштирган Ўзбекистон диний бағрикенгликнинг янги бир даврига қадам қўяди.

Шу ўринда бағрикенглик тушунчасига илмий адабиётларда берилган таърифларга тўхталиб ўтсак. Жамиятшунос олимлар Ж.Яхшиликков ва Н. Муҳаммадиевларнинг “Миллий ғоя ва мафкура” монографиясида “Бағрикенглик деб,- шахс,элат,миллат,халқларнинг бирон бир нарсага нисбатан кенг кўламда,чин дилдан очик кўнгиллик билан ёндошишларига айтилади”⁴⁶деб таърифлайди. Ва шунингдек шу жойда диний бағрикенглик тушунчасини”Диний бағрикенглик-хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида чин дилдан очик кўнгиллик билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини тараннум этувчи фикрлар ва амалий ҳатти-ҳаракатлар тизимига айтилади”⁴⁷деб таърифлайди.

Бу ғоя ва тушунчага берилган таърифларни инкор қилмаган ҳолда уларни амалга ошириш ва одамлар маънавий камолотида намоён бўлишида камчилик яъни, лоқайдлик ва бепарволиклар кузатилаётганлиги кўриниб қолмоқда. Шарқ халқлари маънавиятида фикр, сўз ва амал поклиги ҳақида кўп диний ва дунёвий битиклар мавжуд. Буларнинг орасида амал поклиги доимо долзарблиги билан ажралиб туради. Бу фазилат ҳар доим ҳам намоён бўлавермайди. Шахс ҳатти-ҳаракатлари ёки амали ҳамма вақт ҳам фикр ва сўзига мос келавермайди. Чунки, бозор иқтисодиёти хоҳлаймизми ёки йўқми моддийликни энг катта эҳтиёжга айлантирди.

Моддийликка рўжу қўйган шахс эътиқодида дунёвий ва диний бағрикенглик тамойили намоён бўлиши бу мунозарали масаладир. Энди

⁴⁶ Ж.Я.Яхшиликков Н.Э.Муҳаммадиев Миллий ғоя ва мафкура. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти Тошкент-2015 233- саҳифа

⁴⁷ Шу асар 234-саҳифа

жамиятда динлараро тотувликнинг иккинчи жиҳати, яъни диний бағрикенглик фазилати шаклланиб борса, ёшлар ўртасида радикализм унсурлари кўриниши барҳам топади. Бугун радикализм қайси ҳолатларда кузатилмоқда. Радикал ғоя ва ҳатти-ҳаракатлар кўпроқ ёшлар турмушида намоён бўлмоқда. Бунга эса маънавий-маърифий соҳадаги ҳаётдан узилиб қолган ваъзхонликлар ҳам сабаб бўлмоқда. Янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдевори яратилаётган экан, миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминлаш илм-маърифат билан таълим муассасалари оstonасида ёшларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, маъсулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантиришга янгича ёндошувлар талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги чоп этиган ва халқаро жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “...худбинлик, яъни фақат ўзини ўйлаш, ҳаётга, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти сингари иллатлар турли йўллар билан аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдирилмоқда. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби тадқиқотлар хавфи тобора ортиб бормоқда”⁴⁸ деб бежизга таъкидламади. Юқоридаги фазилатлар таълим муассасаларидагина эмас балки жамият ижтимоий қатламининг барча соҳаларида эътибор талаб қиладиган вазифадир.

⁴⁸ Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: -“O‘zbekiston” нашриёти, 2021 268- бет



TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

O'QUV METODIK BOSHQARMA

1.Kafedra fanlaridan talabalar bilimini nazorat qilish va baholash jarayani hamda uni HEMIS dasturida rasmiylashtirish masalalari.

U.Mustafayev, A.Ibragimov



O'zbekiston Respublikasi VMning qarori

Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bog'liq tizimni takomillashtirish chora-tabirlari to'g'risida

2020 yil 31 dekabr

824-son

Muhokamaga uchun:

6-bob 29-30-31-32 bandlar va undan kelib chiqadigan vazifalar!



6-bob. Baholash, baholarni konvertatsiya qilish

29. Talabalar ta'lim dasturi doirasida o'qitish shaklidan qat'i nazar, O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan belgilangan baholash mezonlari asosida baholanadi.!?

30. Fan dasturida (sillabusda) belgilangan baholash tartibi hamda ijobiy baholar doirasida baholangan talabalarga kreditlar beriladi. Talaba belgilangan ta'lim olish natijalariga erisha olmagan taqdirda, kreditlar berilmaydi.

31. Baholash usullari fan yoki modul doirasidagi talabaning yutuqlarini aks ettiruvchi va tasdiqlovchi **yozma, og'zaki, amaliy ish, loyiha, portfolio** va nazoratlar kabi turlarni o'z ichiga qamrab oladi. **Baholash mezoni** ta'lim olish natijasiga erishilganligini aks ettirishi shart.

32. Kreditlarni ko'chirish oliy ta'lim muassasasida baholash tizimini boshqa baholash tizimlariga konvertatsiya qilish jadvalini boshqa oliy ta'lim muassasasida tuzilgan shunga o'xshash jadval bilan solishtirish asosida amalga oshiriladi.



ХЕМИС ахборот тизими

**Баҳолаш
tizimlari**

**Рейтинг баҳолаш
tizimi (55%)**

5 (86-100)

4 (71-85)

3 (55-70)

2 (0-54)

**Кредит баҳолаш
tizimi (60%)**

5 (90-100)

4 (70-89)

3 (60-69)

2 (0-59)

**5 баҳолик баҳолаш
tizimi (60%)**

5 (4.50-5.00)


4 (3.50-4.49)

3 (3.00-3.49)

2 (0.00-2.99)



Кредит баҳолаш тизими



ТП – Топшириқлар бали
ЖБ – Жорий баҳолаш бали

МИ – Мустақил иш бали
ОС – Оралиқ синов бали

ўч – ўзлаштириш чегараси
ЯС – Якуний синов бали
УБ – Умумий балл



SYLLABUS-birinchi va asosiy hujjat!

Fanning malakaviy kodi:	FALB204		
O'quv yili:	2021/2022		
Semestr:	4		
Kafedra nomi:	Falsafa		
Ajratilgan soatlar:	120 soat		
Ajratilgan kreditlar soni:	4		
Fan turi:	Majburiy		
Professor-o'qituvchi:	Ulash Utayevich Mustafayev		
E-mail / telefon:	ulashmustafoyev1957@gmail.com +998915850657		
Qabul soatlari:	Kafedrada tasdiqlangan reja-grafik asosida		
Soatlar taqsimoti:			
		Semestr	
			IV semestr
Umumiy o'quv soati:			120
Auditoriya soati			60
Ma'ruza			30
Seminar			30
Mustaqil ta'lim			60



IX. Talabalar bilimini nazorat qilish va baholash mezonlari (Assessments)

JN ballari konvertasiyasi 20 ball

<u>baho</u>	<u>ball</u>	<u>o'zlashtirish</u>
"5"	18-20	90-100%
"4"	14-17	70-89,9%
"3"	12-13	60-69,9%
"2"	11	0-59,9%



JN mezon: **nisbat 40/60**

JN: 1. Talaba seminar mavzu rejasiga tayyorlanib muhokamada qatnasha, har bir mavzu uchun **0,53** ball berib boriladi, jami **8** ball to'playdi. (**15 ta mavzu*0,53 ball=7,95** ball, kreativ fikri bo'lsa **0,05** ball beriladi).

2.1-15 mustaqil ish topshiriqlarining har biriga esa **1** baldan beriladi, jami **15** ball to'playdi. (**15 ta mustaqil ish*0,8 ball=12** ball). Talaba TMI topshiriqlarining **1-15** mavzularini **konespekt** shaklida taqdim etib boradi. Har bir seminar mashgulotida bitta seminar va bitta mustaqil ish mavzusini konespektlashtirish lozim. Keyingi mashgulotda o'tilgan seminar va mustaqil ish mavzusi so'ralmaydi hamda ball berilmaydi. Har bir seminar mashgulotidagi talabanning faoliyati **1,33** ballni tashkil qiladi. Demak, **15*1,33=19,95** Kreativ fikri uchun **0,05** ball jami **20ball**.



ON ballari konvertasiyasi

<u>baho</u>	ball	<u>o'zlashtirish</u>
"5"	27-30	90-100%
"4"	21-26	70-89,9%
"3"	18-20	60-69,9%
"2"	17	0-59,9%



ON mezon (30ball) nisbat 40/60

ON: Oralq nazorati ma'ruza mashg'uloti tugagandan so'ng o'tkaziladi.

1. Oraliq nazoratida talabaga 24 ta test* 0,5 ball=12 ball olishi mumkin.

2. ON mustaqil ishi uchun 16-21 mavzular = 6 ta topshiriqlarini slayd (taqdimot) shaklida HEMIS dasturida taqdim qiladi. Berilgan muddatda. Muddatida taqdim qilinmagan mustaqil ishlar qabul qilinmaydi.

Har bir taqdimoti uchun 3 ball beriladi. Jami $6*3= 18$ ball to'playdi. Talaba umumiy 30 ball to'playdi.



YaN (50ball) konvertatsiyasi

<u>baho</u>	<u>ball</u>	<u>o'zlashtirish</u>
"5"baho	45-50	90-100%
"4"baho	35-44	70-89,9%
"3"baho	30-34	60-69,9%
"2"baho	29	0-59,9%



YaN mezon nisbat 40/60

YaN: 1. Yakuniy nazorat test shaklida o'tkazilsa, talabaga 20 ta test berilib, har bir to'g'ri javobi uchun 1 baldan beriladi. Jami 20 ball.

2. Mustaqil ish topshiriqlaridagi 22-30=8 ta mavzularni "og'zaki" himoya qiladi. Talabaning nutq madaniyati 10 ball, kreativ fikrlashiga 10 ball va qo'yilgan savolqa mustaqil yondoshuviga 10 ball beriladi. Jami 30 ball to'playdi.

3. (Agar, yakuniy nazorat yozma ish shaklida o'tkazilsa, talabaga 4 ta savol o'tilgan mavzulardan beriladi va har bir yozma savol javobi uchun 5 ball beriladi. Jami 20 ball).



Nimaga e'tibor berish kerak!

- **1-izoh:** O'ROO'MTVning 2018 yil 9-avgustdagi 19-2018-son buyrugi (OTM talabalar bilimini nazorat qilish va baholash tizimi to'grisidagi nizom) 1-jadvali (baholashni "5" baholik shkaladan 100 ballik shkalaga o'tkazish jadvali) 2-jadval (Oliy ta'lim talabalar o'zlashtirishini baholash tizimlarini qiyosiy taqqoslash jadvali O'zbekiston tizimi) asosan konvertasiya qilinadi.
- **2-izoh:** VMning 2020 yil 31 dekabrda 824-sonli (OTM ta'lim jarayonini tashkil etish bilan bogliq tizimni takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida) qarori 1-ilovasi (OTM o'quv jarayoniga kredit-modul tizimini joriy etish tartibi to'grisida nizom) ning 1-bob 1-4 bandi, 4-bob 11-14 bandi, 6-bob 29-30-31 bandi, 8-bob 41 bandiga muvofiq kredit beriladi.



Talabalar o'zlashtirishini baholash tizimlarini qiyosiy taqqoslash JADVALI

"5" baholik tizimi	Yevropa kredit transfer tizimi (ESTS-European Credit Transfer System)	"100" ballik shkala (%)
"5"(a'lo)	"A"	90 — 100
"4"(yaxshi)	"B"	70 — 89,9
	"C"	
"3"(qoniqarli)	"D"	60 — 69,9
	"E"	
"2"(qoniqarsiz)	"FX"	0 — 59,9
	"F"	



Falafa fanidan GPAni aniqlash tartibi

$$GPA = \frac{K_1 * U_1}{K_1} = \frac{K_4 * U_3}{4} = \frac{12}{4} = 3 \text{ kredit}$$

ari | HEMIS Student x +

student.tersu.uz/education/subjects

Яндекс YouTube Gmail Карты Ота-онанинг фарз... 1:10:30Jokerga qars... Авиабилеты Яндекс my.mehnat uz - Go... Ягона Миллий Ме...

Reyting daftarcha
Talaba ma'lumoti <
Xabarlar <
Tizim <

Subject	Resurslar soni	Topshiriqlar soni	Mavzulashtirilgan testlar
Biokimyo va molekulyar biologiya Majburiy 120 soat 4.0 kredit	377	0/0	0/124
Zoologiya (kurs ishi) Majburiy 100 soat 0.0 kredit	0	0/0	0/0
Genetika va genomika asoslari Majburiy 150 soat 5.0 kredit	224	0/0	0/42
Gistologiya va embriologiya Majburiy 150 soat 5.0 kredit	67	0/0	0/42
Falsafa Majburiy 120 soat 4.0 kredit	135	0/0	0/60

Буфер обмена (24 из 24)
Объект не добавлен в буфер:
удалите объекты для увеличения
доступного места

1:57
25.04.2022

student.tersu.uz/test/index?subject=2178

